

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5620600- Зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши

Битирув малакавий иши кафедрада
муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия
этилди

Кафедра мудири, доцент

_____Ғ.Амантурдиев

“ _____ ” _____ 2014 й.

Ҳимояга рухсат берилди

Зоотехния факультети декани,

доцент _____У.Ш.Балласов

“ _____ ” _____ 2014 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: «Фермер хўжалиги шароитида четдан келтирилган
қорамолларни сут маҳсулдорлигини тахлили»**

Битиручи:

4-91 гуруҳ талабаси

Арипов Д.

Илмий раҳбар:

Зоотехния кафедрасининг доценти

С.Ш.Исамухамедов

Тақризчи: Элевер-Зигота МЧЖ

рахбари, қ.х.ф номзоди

М.А.Зарипов

Тошкент-2014

Мундарижа

Кириш -----	3-7
1. БОБ. Адабиётлар шарҳи -----	8
1.1. Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳамияти ва самарадорлиги -	8-11
1.2. Республикамизнинг иқтисодий экологик шароитида урчитиш учун районлаштирилган сут йўналишидаги қорамоллар	11-15
1.3 Хориждан келтирилган насли қорамоллар мослашуви, уларни сақлаш шароитларига боғлиқлиги-----	15-18
II. БОБ Тадқиқотларни ўтказиш манбаи ва услуби -----	19-21
III. БОБ Хусусий тадқиқотлар натижалари -----	21
3.1. Тажриба гуруҳларидаги молларни озиклантириш-----	21-23
3.2. Молларни келиб чиқиши (шажараси) бўйича таҳлилий ўрганиб баҳолаш -----	24-31
3.3. Хориждан келтирилган Голланд зотли қорамолларнинг тафсифи ва уни янги зотларини яратишдаги аҳамияти -----	31-48
3.4. Ёш молларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш -----	49-54
3.5. Сигирларни селекция белгиларига (экстерер кўрсаткичлари, сут маҳсулдорлиги, сутдорлик коэффиценти, тирик вазни) қараб баҳолаш. -----	55-57
3.6. Молларнинг пуштдорлик хусусиятлари -----	57-58
3.7. Молларнинг иссиқга чидамлилик кўрсаткичларини аниқлаш	58-59
3.8. Қорамолларни иссиқ иқлим шароитига мослаштириш тадбирлари -----	59-61
3.9. Хориждан келтирилган молларни озукасини маҳсулот билан қоплаш хусусиятларини ўрганиш -----	61-62
3.10. Хориждан келтирилган насли моллардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги -----	62-63
Амалий таклиф ва хулосалар -----	63
Фойдаланилган адабиётлар -----	63-66

КИРИШ

Ҳозирги пайтда Республикамизда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, унинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш, озуқабоп экинлар уруғчилигини ташкил этиш, селекция наслчилиқ ишларини тубдан ўзгартириш ва ривожлантириш, сифатли ва экологик тоза, дунё андозаларига жавоб берадиган маҳсулот етиштириш, бугунги кунда Республикамиз чорвадорлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йилнинг 23-мартда “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-308-сонли ҳамда 2008 йилнинг 21-апрелида “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842-сонли қарорлари қабул қилиниб, мазкур қарорлар асосида, Республикамизда чорвачиликни, биринчи навбатда қорамолчилиқ соҳасини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига тобора ошиб бораётган эҳтиёжини қондиришда Республикамизда урчитилаётган қорамоллар зотларининг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса молларни озиклантириш ва асраш шароитларини яхшилаш билан бирга селекция наслчилиқ ишларини ҳам яхшилашни тақоза этиб, уларнинг хўжалиқ фойдали белгиларга таъсир этувчи бошқа омилларни ҳам ҳисобга олишни тақоза этади.

Республикамизда чорвачилиқ соҳасида сут ва гўшт йўналишидаги наслчилиқ хўжаликлари, чорвачилиқка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқаришни янги замонавий технология асосида ҳамда меҳнатни самарали усулларда ташкил этиш

натижасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам бу тармоқни янада ривожлантириш моллар маҳсулдорлигини ошириш, юқори маҳсулдор подалар яратиш ҳамда урчитилаётган қорамол зотларини замонавий янги усулларда такомиллаштириш чорвачилик фани олдида турган муҳим муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор ривожлантириш асосан наслчилик ишларни ва тўла қийматли озиклантириш, асраш шароитларига боғлиқ. Ҳозирги пайтда селекционерлар олдида молларни насл ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш ҳамда юқори генетик ва хориждан келтирилган насли молларни мослашиш, таъбiiй чидамлигини ошириш каби долзарб вазифа қўйилмоқда.

Шунингдек қорамолларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида, биринчи навбатда уларни наслини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб, хориж тажрибаларини ўрганиш ва Республикамизга жорий қилиш, айниқса ҳудудларда замонавий чорвачилик комплексларни барпо қилиш ҳамда хориж давлатларидан Республикамиз иқлим шароитига мос бўлган юқори маҳсулдор қорамолларни олиб келишни янада ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг кескин ўзгарувчан, жазирама иссиқ даври узок давом этадиган иқлими, хориждан олиб келинган молларни урчитишни анча қийинлаштириб қўяди, шунингдек шу иқлим шароитида, яйловларда, молхоналарда қон паразитор касалликларни юқтирувчи каналарнинг кўпайишига қулай шароит яратади. Хайвонлар организмга муътадил иссиқ ва қаттиқ совуқ иқлим шароити кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабдан организмнинг бошқа иқлим минтақаси шароитига ёки умуман ўша тур ватани иқлимидан кескин фарқ қиладиган иқлимга мослашиши чорва моллари учун қийин кечади. Хайвонларни янги яшаш жойининг иқлим шароитига мослаштиришдан ташқари, уларнинг яшаши учун боқиш ва асраш шароити, ернинг рельефи, сув ва қуруқликнинг бир-бирига нисбати, тупроқнинг хусусиятлари, дов-дарахтларнинг бор йўқлиги ва бошқа омиллар катта аҳамиятга эга. Бу омилларни илмий жихатдан ўрганиш хориждан

келтирилган насли молларни боқиб урчитиш ва улардан кўплаб авлодлар олиш, уларда генетик имкониятларини тўла намоён этиш учун асраш, сақлаш, парваришлаш ва озиклантириш технологиясини замонавий усулларда ишлаб чиқаришга жалб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

I. Адабиётлар шарҳи.

1.1 Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳамияти.

Президентимизнинг Республикамизда чорвачиликни барқарор ривожлантириш ва бу соҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган эътибори ва ғамхўрлиги туфайли, бугунги кунда чорва моллари наслини яхшилаш ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига, Республикамизда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш йил сайин кўпайиб, ички бозоримиз йилдан-йилга чорва маҳсулотлари билан тўлиб, маҳсулотларнинг баъзи бир турлари экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда юқори генетик имкониятларга эга бўлган сермахсул сигирлар подасини барпо этган ҳолда, Республикамиз аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Чорвачилик маҳсулотлари ичида сут жуда тўйимли маҳсулот бўлиб, унинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган юздан ортиқ хилма-хил биологик моддалар мавжуд.

Илмий жиҳатдан асосланган меъёрларга кўра, ҳар бир кишининг кун давомида ейдиган овқатида сут ва сут маҳсулотлари (тўйимлилиги бўйича) 30-35 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Сут ва сут маҳсулотларини, айниқса болалар, қариялар ва беморларнинг овқатланиши, шунингдек инсон соғлиғи учун зарарли бўлган ишлаб чиқаришда ишлаётган кишилар учун ниҳоятда зарур маҳсулот ҳисобланади.

Чорва моллари ичида сигирлар энг серсут жонивор бўлиб, яхши боқиб парвариш қилинганда уларнинг ҳар биридан йилига 6000-7000 кг ва ундан ҳам ортиқ сут соғиб олиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириб боришда ҳам, чорва молларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга (ҳар бош молдан йил давомида 5-6 тонна маҳаллий ўғит олинади), чунки молларга берилган ем-хашак таркибидаги азот, фосфор ва кальцийнинг 80 % и гўнгда бўлади ва уни ўсимликлар тўла ўзлаштира олади.

Гўшт маҳсулоти инсон организмнинг оқсилга бўлган талабини кондириш билан бир қаторда, инсон организми фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Инсон организмнинг оқсилга бўлган эҳтиёжининг кўп қисми, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳисобига қондирилади. Мол гўшти таркибида ўртача 68 % сув, 20% оқсил, 11% ёғ ва 1% минерал тузлар мавжуд. Овқатланиш меъёрларига кўра, инсон организми оқсил миқдори ҳисобига, кунлик калориянинг 14-15 % ни гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳисоби тўлғазиб турилади.

Қорамолчиликдан тери олиниб, бу хом-ашёдан пойафзал, турли чарм буюмлари ясалса, мол шохи ва туёғидан атторлик буюмлари ясалади. Ичакларидан эса калбаса тайёрлашда фойдаланилади. Қорамоллар қонидан витаминли ун, альбумин, суякларидан суяк уни, жунидан эса, кигиз,пийма, мўйкалам ва чўтка тайёрланади.

Арзон дағал ва ширали озуқаларни (беда, таббий хашаклар, яйлов озуқаси, силос, деҳқончилик чиқиндилари, шунингдек озиқ-овқат саноати чиқитларини) инсон учун фойдали маҳсулотларга айлантириши туфайли ҳам қорамоллар катта аҳамиятга эга.

Ш.А.Акмалхонов ва бошқаларнинг (1986 й) фикрича Республикамизда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг кўпгина имкониятлари мавжуд бунинг учун қорамоллар маҳсулдорлигини оширишга селекция наслчилиқ ишларини янада ривожлантиришга сақлаш ва озиқлантириш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

Х.Амирхоновнинг (2004 й) таъкидлашича, бутун дунё мамлакатларида чорвачилик соҳасини ривожлантиришда биринчи навбатда наслчилиқ базасини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳамда селекция наслчилиқ ишларини такомиллаштириш учун шароит яратилади.

У.Н.Носиров, О.Собировнинг (2008 й) хулосасига кўра, Ўзбекистонда замонавий селекция ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, моллар маҳсулдорлигини кескин ошириш ва зотларни такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Аввало, молларни урчитиш ишида дунё генафондига

хос бўлган сермахсул зотлар уруғидан унумли фойдаланиш орқали вилоятларда районлаштирилган сут, сут-гўшт йўналишдаги зотларни такомиллаштириш, уларни таббий-иқлим шароитимизга мослашиш хусусиятларини сақлаган ҳолда сут ва гўшт маҳсулдорлигини 2-3 бараварга (ҳар бирининг сут соғимини йилига 5000-6000 кг га ва тирик вазнини 400-450 кг га) кўтариш омилларини ишга солиш даркор.

А.Авезовнинг (2008 й) фикрига кўра қорамолчилик соҳасини ривожда улардан олинадиган маҳсулот ва насл сифатини яхшилашда ҳайвонларнинг наслдорлигини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

И.И.Ҳафизов ва бошқаларнинг (2008 й) хуласасига кўра, Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор ривожлантириш асосан наслчилик ишларига ва тўла қийматли озуклантириш, асраш шароитларига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда чорва молларининг асосий салмоғи, яъни 98 фоизи шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари улушига тўғри келади. Бу тоифадаги хўжаликларда чорва моллари бош сонини кўпайтириш шунингдек уларнинг маҳсулдорлигини ошириб боришда, замонавий технологияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, замонавий машина ускуналардан самарали ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш масаласи устида фикр юритилганда, бу масалани фақат чорва моллари озук базасини яратиш, замонавий андозаларга мос молхоналар қуриш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш ва ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш эвазига эришиш мумкин. Чорвачилик билан шуғулланувчи шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш, бу хўжаликлардаги мавжуд қорамоллар зотларининг сифат кўрсаткичларини яхшилашга жуда ҳам боғлиқдир.

Шу сабабдан, Республикамизда чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларнинг талабига мос келадиган сермахсул қорамоллар бош сонини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу

масалаларни амалга ошириш мақсадида, хориждан насли қорамолар келтириш йўлга қўйилган.

Шундай қилиб, Республикада қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилик ва деҳқончилик бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Деҳқончиликнинг ривожланиши билан чорвачилик ҳам ривожланади ва аксинча. Ем-хашак нечоғли кўп бўлса, чорва моллари шунчалик тез кўпайиб, маҳсулдорлиги орта боради. Чорвачилик нақадар жадал ривожланса, деҳқончилик учун зарур бўлган органик ўғитлар шу қадар кўп етиштирилади, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ортади ҳамда тупроқ унумдорлиги яхшиланади.

1.2. Республикамизнинг иқтисодий-экологик шароитида урчитиш учун районлаштирилган сут йўналишидаги қорамоллар.

Республикамизда қорамоллар зотига қараб районлаштирилиб, улардан самарали фойдаланиш, уларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатларининг яхшиланиб боришига асосланади. Чорвачиликни ривожлантиришда ҳайвонларнинг маҳсулдорлик йўналишига қараб тўғри жойлаштириш, фермер хўжаликларида қорамолларнинг маҳсулдорлик ва насл сифатларини ёппасига яхшилаш ва сифат масаласини ҳал этиш катта аҳамиятга эга.

Ҳар қайси зот ўзининг табиий тарқалиш ирсиятига эга бўлиб, ҳайвон бу ернинг муҳит шароитига эволюция жараёнида мослашади. Ҳаво харорати, ёғин - сочин миқдори, озуқа ва биологик шароит ҳайвонлар мослашган муҳитининг энг асосий омиллари ҳисобланади. Янги яшаш шароитига кўчирилган ҳайвон зотлари иқлим ва табиий иқтисодий шароит таъсирида ўзгаради. Аммо, яхши боқиб парвариш қилинса, ўзининг фойдали хусусиятларини сақлаб қолади.

Ўзбекистонда сутбоп қорамоллардан - қора-ола, қизил чўл, Бушуев ва сут-гўшт йўналишидаги швиц зотли моллар урчитиш учун районлаштирилган.

Қора-ола зоти. Жуда серсутлиги, машинада соғишга мослашганлиги, муайян иқлим шароитига тез мослашиши туфайли, бу зот Республикада қорамоллар бош сони ҳамда маҳсулдорлиги бўйича биринчи ўринда туради.

Бу зотга мансуб бузоқларнинг тирик вазни 35-45 кг, етук ёшдаги сигирларнинг тирик вазни 550-600 кг, буқаларнинг вазни 850-1200 кг га етади. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 4500-6000 кг га тўғри келади. Сўйим чиқими 53-55 % га, жадал боқилганларидан олинадиган гўшт 66 % га боради.

Бу зот қорамоллари Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида боқиб кўпатириш учун районлаштирилган.

Қизил чўл зоти. Анча оғир таббий иқлим шароитларига ҳам тез мослашадиган бу зот, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимли Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ва қисман Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида боқилиб, кўп сут берадиган зот ҳисобланади. Бу зот иссиқ ва кескин ўзгарувчан иқлимга тез мослашувчан, қон паразитар касалликларига чидамли, янги жой шароитига тез мослашадиган зот бўлиб, ем-хашак танламайди.

Қизил чўл зотининг янги туғилган бузоқларининг тирик вазни 34-42 кг, сигирларнинг вазни 450-550 кг, маҳсулдорлиги 3200-4500 кг, вояга етган буқаларнинг тирик вазни 700-1000 кг га етади. Бичилган буқачалар 6 ой боқилса, суткасига 650-700 гр дан семиради ва улар сўйилганда 53-58 % гўшт қилади.

Бушуев зотли қорамол. Ўзбекистонда яратилган биринчи серсут зот ҳисобланади. Бу зот Мирзачўлнинг кескин ўзгарувчан, иссиқ иқлимли шароитига мослашганлиги ва озукани танламаслиги, қон паразитар касалликларига чидамлилиги билан бошқа зот қорамолларидан кескин фарқ қилади. Бу зот 1967 йилда мустақил зот сифатида тасдиқланиб, агроном М.М.Бушуев номи берилган. Бушуев қорамолларининг янги туғилган бузоқларининг тирик вазни 23-26 кг, сигирларнинг вазни 400-420 кг, маҳсулдорлиги 2500-3800 кг, сут таркибидаги ёғ 3,9-4,2 % гача бўлади, вояга етган буқаларнинг тирик вазни 650-750 кг га етади.

Бу зот қорамоллари Мирзачўл худудида, ҳозирги Сирдарё вилоятида боқиб кўпайтириш учун районлаштирилган.

Швиц зотли қорамол. Қўш маҳсулдор сут-гўшт йўналишидаги моллар ҳисобланади. Бу зотли қорамоллар асосан, Андижон вилоятида кўпайтиришга мўлжалланган.

Швиц зотли сигирлар жуда юввош, серсутлиги билан ажралиб туради. Янги туғилган бузоқларининг тирик вазни 38-45 кг, айрим ҳолларда 50-55 кг сигирларнинг тирик вазни 500-700 кг, етук ёшдаги буқаларнинг тирик вазни 1200-1300 кг га етади. Гўшт чиқими семизлик даражасига қараб 55-68% ни ташкил қилади.

В.Погребняк (1999) тадқиқотларида қора-ола зотли қорамолларни Голштинлаштириш ва такомиллаштириш жараёнида сигирларнинг тирик вазни алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кузатилади. Масалан, поданинг ўртача сут маҳсулдорлиги 3400 кг гача бўлганда сигирларнинг ўртача тирик вазнинг 350-400 кг дан 400-500 кг гача ошириш поданинг ўртача сут маҳсулдорлик кўрсаткичини 303 кг га ошириши кузатилган. Сигирларнинг тирик вазнини 500 кг дан ошириш эса сут маҳсулдорлигини ўртача 78-85 кг гача оширишга олиб келган.

Муаллифнинг хулосасига кўра, 3400-4400 ўртача сут маҳсулдорлигига эга подаларга биринчи соғим даврида сигирларнинг тирик вазни 450 кг дан иккинчисида -500 кг, учинчи соғим даврида 550 кг дан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ.

Д.В.Карликов ва бошқаларнинг (2001 й) тадқиқотларида қора-ола зотли қорамолларнинг Голштин зотига мансуб буқалар билан чатиштириб такомиллаштиришда дуруагай сигирларни соф қора-ола зотли сигирларга нисбатан тирик вазни юқори бўлиб, бу эса уларнинг сут маҳсулдорлиги юқори бўлишини таъминлаган. Н.И.Стрекозов, С.Н.Левина (2001 й) тадқиқотларида ҳам шунга ўхшаш натижалар олинган.

Т.В.Подпалаянинг (2006 й) хулосасига кўра, қизил чўл зотли молларни Англер зотига мансуб насли буқалар билан чатиштириш, уларнинг ташқи муҳут таъсирига мослашиши хусусиятларини ўзгартирмаган ҳолда генетик

имкониятларини оширади, қизил-ола Голштин ва Дания зотли буқалар билан чатиштириш эса уларнинг ирсий хусусиятларини ўзгартириб, сут маҳсулдорлигини кўпайтиради ва пушторлик хусусиятлари яхшиланади.

Б.Абдолниёзов, П.Худаёровларнинг (2007 й) фикрига кўра, Республикамизда урчитилаётган қизил чўл зотли сигирларнинг маҳсулдорлигини янада ошириш мақсадида Голштин қизил-ола зоти билан қочириш мақсадга мувофиқдир. Олинган дурагайлар маҳсулдорлиги оналарининг маҳсулдорлигига қараганда 27-30 % кўпроқ, яни қизил чўл зотли сигирларда Голштинизация жараёни катта самара беради.

Р.Г.Алиев, А.Б.Алипанаховнинг (2005 й) тадқиқотлари натижаларига кўра, қизил чўл зотли қорамолларнинг англери, дания қизил зоти ҳамда қизил-ола Голштин буқалари билан чатиштиришдан олинган дурагай авлодлари худудининг табиий иқлим шароитига тез мослашиш, юқори сут маҳсулдорлиги, озукани маҳсулот билан қоплаш хусусиятларини юқорилигини намоён қиладилар.

Маҳаллий бушуев зоти Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон ва Мирзаобод туманлари хўжаликларида кенг тарқалган бўлиб, хўжалик подаларидаги салмоғи 60-100 % ни ташкил қилади. Вилоятнинг бу туманлари ўлкамизнинг бошқа жойларига қараганда ўзининг иссиқ иқлим шароити билан ажралиб туради. Шунингдек, Бушуев зотли қорамоллар ўзларининг бир қатор тематик хўжалик фойдали белгиларига эга бўлиб сут ёғлилиги (3,9 % ва ундан юқори) сутида оксил миқдорининг юқорилиги (3,5 % ва ундан юқори), иссиқ иқлим шароитига яхши мослашганлиги, қон паразитар касалликларига (лекоз) ўта чидамлиги билан ажралиб туради.

К.Мадаминов (1998 й.), А.М.Мустафаевнинг (1989 й.) нинг таъкидлашича, Бушуев зотига мансуб қорамоллар маҳсулдорлигига, генофондини сақлашга яъни уларни сақлаш ва асраш, озиклантириш шароитлари таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, Республикамизда урчитилаётган қорамолларнинг маҳсулдорлик ва насл хусусиятларини тўла юзага чиқаришда, тўла озиклантириш, асраш ва парваришлаш шароитларини яхшилаш, шунингдек

уларни урчитишда жаҳон генофондларига хос қариндош зот буқалар уруғидан фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Бу эса, соҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

1.3. Хориждан келтирилган насли қорамоллар мослашуви ва уларни сақлаш шароитларига боғлиқлиги.

Республикада (Бушуев зотли қорамолдан ташқари) нисбатан оғир иқлим, ем-хашак ва оғир экологик шароитга мослашган сермахсул қорамол зотлари бўлмаганлиги учун, шунингдек, кеч етиладиган зебусимон жайдари моллар маҳсулдорлиги паст бўлганлиги учун завод зотидаги молларни олиб келиб, мослаштириш масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Четдан келтирилган молларни кўпайтириш, ҳайвонларни мослашиш (иқлимлаштириш) усулларини билиб олишни талаб этади. Бошқа иқлимдан келтирилган ҳайвонларнинг хулқ атворини ҳар томонлама ўргангандан кейингина уларни Республикамиз шароитига муваффақият билан иқлимлаштириш, шунингдек, улардан талаб даражасида маҳсулот олиш ҳамда каммахсул жайдари молларни яхшилаш учун улардан самарали равишда фойдаланиш мумкин. (Н.О.Мавлонов, Э.Н.Мавлонов, 1984й).

Урчитилаётган молларнинг қандай даражада иқлим шароитига мослашганлигини ўрганиш селкция-наслчилик ишларини тўғри олиб боришда катта аҳамиятга эга. Иссиқ иқлим шароитлари четдан келтирилган моллар организмнинг умумий ҳолатига сезиларли даражада таъсир этиб айрим ҳолларда уларнинг таббӣй чидамлилигини пасайтиришга сабабчи бўлади. Бу эса ўз навбатида уларнинг маҳсулдорлигига ва соғлилигига таъсир этиши мумкин шунинг учун молларнинг таббӣй чидамлилигини мослашиш даражасини ва уни оширишга қаратилган тадбирлар муҳим илмӣй ва амалӣй аҳамият касб этади. Молларнинг таббӣй чидамлилики даражасини билиш уларга маҳбул шароитларни яратишда ва озуқалардан самарали фойдаланишда жуда муҳимдир. (В.С.Гостев 1950 й).

И.М.Қосимов, И.М.Кадиевнинг (2000 й) ёзишича ҳар бир зот янги экологик шароитга келтирилганда яшовчанлигини ўзининг экстерер, интерер ва ҳўжалик фойдали белгиларини ташқи муҳит шароитига боғлиқ равишда ўзгарган ҳолда сақлаб қолади ва шу шароитга мослашади.

И.А.Баришников (1960й) тадқиқотларни мутадил иқлим шароитидан келтирилган зотларнинг иссиқ иқлим шароитига мослашиш жараёни қийин кечиб уларда маҳсулдорлик кескин камайиб ҳаётчанлиги пасайганлиги аниқланган. Муаллифнинг таъкидлашича баъзи ҳолларда улар фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган.

И.Н.Носировнинг (1985 й) Хулосасига кўра иссиқ иқлим молларининг физиологик ҳолатига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам юқори маҳсулдор моллар подасини яратишда уларнинг кейинги бўғинлардаги авлодларининг иссиққа чидамлилигига эътибор қаратиш керак.

В.Фишук ва бошқаларнинг (1998 й) ёзишича хориждан келтирилган моллар маҳсулдорлиги қанчалик ошиб боргани сари, уларнинг ташқи иқлим шароитига мослашиш шароити камайиб боради, бунинг учун уларни озиклантириш асраш ва парваришlash шароитларини яхшилаш лозимлигини таъкидлаган.

И.И.Хафизовнинг (2004 й) фикрига кўра четдан келтирилган насли моллар организмида кечаётган алмашинув жараёнларини уларнинг физиологик ҳолатини ва ташқи муҳитга мослашиш даражасини баҳолашда қоннинг морфологик ва биокимёвий таркибини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Л.К.Бусловская (2002 й) фикрига кўра, юқори ҳаво ҳарорати қора-ола зотли бузоқларнинг ўсиб ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиб, уларнинг ўсиш энергия харажатларини 12-42 % га оширади ва маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги 41-85 % гача камайтиради.

Ю.О.Раушенбах (1975 й) фикрига кўра, иссиққа чидамлилик индекси юқори бўлган сигирларнинг иссиқ иқлим шароитида ўзининг юқори генетик потенциалини, жумладан сут маҳсулдорлигини сақлаб қолади.

У.Г.Каримов (1991 й) тадқиқотлари натижаларига кўра, сигирларнинг гўштдорлик хусусиятлари иссиқ иқлимнинг салбий таъсири натижасида, хориждан келтирилган сигирларда маҳаллий сигирларга нисбатан оталаниш 6-9 % га, бузоқларнинг сақланиши 13.3 % гача пасайган. Кўплаб илмий манбааларнинг таҳлили шундан далолат берадики, хориждан келтирилган насли молларнинг Республика иқлим шароитига мослашишини илмий жиҳатдан ўрганиш аҳамиятга эга.

И.М.Касимов, И.М.Кадиев (2000 й.) хулосасига кўра, сутбоб қорамолларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобидаги маҳсулдорлик кўрсаткичи зотнинг муҳим зоотехник ва иқтисодий кўрсаткичлари самарадорлигини белгилайди.

В.Димов, Л.Ефимованинг (2005 й.) фикрига кўра, юқори маҳсулдор подаларни яратиш, моллар маҳсулдорлигини ошириш нафақат наслчилик ишларини такомиллаштириш, мақбул асраш, парваришlash ва озиклантириш шароитларини ташкил этиш ҳисобига эришилади.

А.П.Салдатовнинг (1986 й.) нинг хулосасига кўра, чорвачиликда наслчиликни яхшилашда, наслчилик базасини кенгайтиришда, юқори маҳсулдор подаларни барпо этишни жадаллаштиришда сигирларни машинада соғиш технологиясида яроқлигини яхшилашда жаҳон генофондига хос насли буқалар имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шунга ўхшаш фикрларни Д.В.Карликов, А.Т.Петляков, Д.Р.Казарбин (1998 й.), Л.К.Эрнст, Ю.Н.Грегорьев, (1987 й.) ҳам таъкидлайдилар.

А.М.Бартников, В.И.Деряжнсов, Т.М.Епишинанинг (2008 й.) фикрига кўра наслчилик корхоналарида маҳсулдор подалар яратишда фойдаланиладиган насли буқалар сақланадиган бинолардаги микро иқлим шароитлари нафақат уларни соғлигига, балки наслининг сифатига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, қиш мавсумида насли буқалар сақланадиган биноларда микроиқлим: ҳаво ҳарорати +8 градус (5-15 градус), ҳавонинг нисбий намлиги 75% (40-85%), ҳаво алмашинуви 100 м³/соат (80-250 м³/соат); мавсум алмашинуви эса тегишлича +12 ° С (8-20 ° С),

75% (40-85%), 250 м³/соат (110-350 м³/соат) бўлиши тавсия этилади. Бундай кўрсаткичли микроиклим шароити энг мақбул ҳисобланиб, турли генотипли насли буқалар организмига ва маҳсулдорлигига мос келади.


И.Мақсудов, С.Жумановнинг (2007 й.) фикрига кўра қорамол подалари сифати, моллар зотини яхшилашда сунъий уруғлантириш асосий восита бўлиб хизмат қилади. Сунъий уруғлантириш орқали маҳсулдор буқалар уруғидан фойдаланиш асосида подалар сифатини жадал яхшилаш мумкин, чунки ирсий имкониятнинг 74 % ота ва оналари томонидан таъминланади. Сунъий уруғлантиришда фақат авлодларнинг сифати бўйича баҳоланиб “яхшиловчи” деб тан олинган, буқаларнинг чуқур музлатилган уруғлари ишлатилади. Бу борада жаҳонга машҳур ГОЛШТИН, АНГЛЕР, ҚИЗИЛ ДАНИЯ, АМЕРИКА ва АВСТРИЯ ҚЎНҒИРЛАРИ уруғларидан республикада режали ҳисобланган қора-ола, бушуев, қизил чўл, швиц зотли сигир ва урғочи таналарни кўпроқ қочириш тақоза этилади.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳар ва саноат марказларидаги аҳолини сут маҳсулотлари билан талаб даражасида таъминлаш муаммосини ҳал этиш, сутбоп қорамолчиликни ривожлантириш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Бу эса кўпроқ селекция наслчилиги ишларининг самарадорлигига боғлиқдир.

II. Тадқиқот ўтказиш манбаси ва услуби.

Тадқиқотлар 2012-2014 йилларда Тошкент вилояти Куйчирчик туманидаги “Сут-булок” МЧЖ хўжалигида ўтказилди. Тадқиқотлар учун ўхшашлик белгилари асосида 3 гуруҳ физиологик соғлом, хориждан келтирилган моллар ҳамда улардан олинган авлодлар танлаб олинади. (1- тасвир)

1-тасвир.Тадқиқотлар тасвири



Тадқиқотлар услубияти ва усули

-Зотли моллар келиб чиқиши ва 2-сут хужжатларидаги ёзувлар асосида тахлилий ўрганиб баҳоланди;

-Моллар экстерери қуйидаги 7 та тана ўлчамлари:

-яғрин баландлиги;

-кўкрак чуқурлиги;

-кўкрак эни;

-кўкрак айланаси;

-тананиниг қия узунлиги;

-орқа дўнг суяк эни;

-пайча айланаси 3,6,9,12,18 ойлигида, сигирлар туққанидан кейин соғин даврининг 3 ойида ўлчанди ва улар асосида тана индексларини ҳисоблаб чиқиш орқали ўрганилди;

-Молларнинг қон кўрсаткичлари йил фасллари бўйича ҳар гуруҳдан 5 бошдан ўрганилди.

Бунда эритроцитлар ва лейкоцитлар, Горяев камерасида сақлаш орқали, гемоглобин Сали усулида умумий оксил рефрактометрда ўрганилди:

-Молларнинг клиник кўрсаткичлари ҳар гуруҳдан 5 бошдан Б.А.Арзуманян (1957 й) усулига биноан ўрганилди. Бунда уларнинг тана ҳарорати, юрак уруши, нафас олиш тезлиги аниқланди;

-Молларнинг иссиққа чидамлилиқ коэффиценти Ю.О.Раушенбах (1975й) усулида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилди:

$$ИЧК = 2(6t_2 - 10dT + 26), \text{ бунда}$$

ИЧК- иссиққа чидамлилиқ коэффиценти;

t_2 – молларнинг кундузги ва эрталабки тана ҳарорати ўртасидаги фарқ;

dT - кундузги ҳаво ҳарорати;

-Селекция гуруҳидаги молларнинг пушторлик хусусиятларини баҳолаш мақсадида уларнинг биринчи оталанишидаги ва туғишидаги ёши ва

ҳамда тирик вазни, бўғозлик давомийлиги, сервис даври, биринчи қочиришдан оталаниш даражаси, қочириш индекси ўрганилади;

-Сигирлар сут миқдори лактация давридаги ўрганилди. Сут таркибидаги ёғ эса, Гербер усулида ўрганилди. Сут ёғи чиқими, 4% ли сут миқдори, куруқ модда ва ёғсизлантирилган куруқ сут қолдиғи Н.В.Барабаншиков (1986 й) тавсия этган формулалар бўйича аниқланди. Сутдорлик коэффиценти умумий қабул қилинган усул бўйича ўрганилди;

-Сигирларнинг тирик вазни лактация даврининг 3 ойидан бошлаб, ёш моллар вазни эса ойма-ой ўлчаш орқали аниқланди;

-Сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш хусусиятлари В.Е.Недава (1966 й) усулида ўрганилди;

-Сигирларнинг елин хусусиятлари соғин даврининг 3-ойида сут ва сут-гўшт йўналишидаги сигирларнинг елинини ва сут бериш тезлигини баҳолаш (Москва 1970 й) услуби йўриқномасига асосан ўрганилди;

-Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги, ҳар бир бош молга кетган харажат ва ундан олинган маҳсулот қиймати ўртасидаги фарқни аниқлаш орқали ўрганилди;

-Олинган маълумотлар Е.К.Меркурева (1970 й) услуби бўйича қайта ишлаб чиқилди.

III БОБ. Хусусий тадқиқотлар натижалари

3.1. Тажриба гуруҳларидаги молларни озиқлантириш.

Қишлоқ хўжалиги молларни маҳсулдорлигини юзага чиқаришда уларни тўла қийматли озиқлантириш омили муҳим ўрин эгаллайди.

3.1.1. жадвал тажриба гуруҳларидаги сигирларга сарфланган озуқалар миқдори ва уларнинг тўйимлилиги келтирилган.

3.1.1 жадвал маълумотларидан кўринишича, энг кўп озуқа миқдорини III гуруҳ сигирлари истемол қилганлар. Масалан, III гуруҳ сигирлари I ва II гуруҳлардаги тенқурларига нисбатан тегишли равишда 64.1 ва 49.1 кг беда пичани 41.6 ва 20.6 кг сомон, 125.9 ва 52.4 кг сенаж, 209.8 ва 74.8 кг силос,

203.8 ва 172.8 кг озуқадан лавлаги, 66.3 ва 51.2 кг барда, 196.1 ва 89.7 кг яшил беда, 154.9 ва 136.8 кг омухта ем кўп истемол қилдилар.

Шундай қилиб, тажриба гуруҳларидаги сигирлар рациони таркибида сезиларли гуруҳлар аро фарқ сезилмади яъни беда пичани мос равишда, (озуқалар тўйимлилига нисбатан фоиз хисобида) 7.56; 7.54 ва 7.72; сомон 1.92; 1.98 ва 1.97; сенаж 11.50; 11.84 ва 11.62; силос 14.84; 15.15 ва 14.66; лавлаги 4.73; 4.70 ва 4.95; барда 4.73; 4.64 ва 4.50 кўк беда 29.25; 28.95 ва 27.71; омухта ем 25.47; 25.20 ва 26.87 фоизни ташкил қилди. Бу эса барча гуруҳлардаги сигирларни озуқлантириш бир ҳилда ташкил қилинганлигидан далолат беради.

3.1.1 жадвал. Тажриба гуруҳларидаги сигирларга озуқалар сарфи, ўртача ҳар 1 бошга

Озуқалар ва уларнинг тўйимлилиги	I-гуруҳ		II-гуруҳ		III-гуруҳ	
	кг	Озуқа бирлиги	кг	Озуқа бирлиги	кг	Озуқа бирлиги
Беда пичани	625.1	306.3	576.0	282.2	561.0	274.9
Сомон	391.1	78.2	370.5	74.1	349.5	69.9
Сенаж	1355.9	461.0	1303.5	443.2	1230.0	418.2
Силос	2909.8	581.9	2835.0	567.0	2700.0	540.0
Лавлаги	1638.3	196.6	1465.5	175.9	1434.9	172.1
Барда	1787.6	178.8	1736.5	175.6	1721.4	172.1
Кўк беда	6108.9	1099.6	6019.2	1083.4	5912.8	1064.3
Омухта ем	1184.7	1066.2	1047.9	943.1	1029.8	926.8
Озуқаларнинг тўйимлилиги						
Озуқа бирлиги	-	3968.5	-	3742.5	-	3637.4

3.2. Молларнинг келиб чиқишини (шажарасини) тахлилий ўрганиб баҳолаш.

Чорвачиликда молларни келиб чиқишини (шажарасини) тахлилий ўрганиб уларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Қуйида машҳур линиялар бўйича баҳоланган насли буқаларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилади:

ГОЛЛАНД ЗОТИ БЎЙИЧА:

АЛТАС-БЕРТУС 157963502

-Тизими- Рефлексн Соверинг 198998;

-Голланд зоти, туғилган вақти – 12.12.1988 й. Голландия;

-5 ёшида тирик вазни-1200 кг;

-Синфи – Элита-рекорд;

ОН. ААЛТЈЕ 154849502 II-7565 кг-5.24 % Синфи - Элита-рекорд ОН.ОН. ААЛТЈЕ 15376571 II лактация -7809 кг - 4.67 % Синфи - Элита-рекорд ОТ.ОН. HANOVER HILL 82-1629391 Синфи - Элита-рекорд	ОТ. NEPJTHMDESXALVAU 183924 Синфи - Элита-рекорд ОН.ОТ. HPR SXARLITE 980027105 III- 11240 кг – 4.3% Синфи - Элита-рекорд ОТ.ОТ. SWDVALJANT 12-1650414 Синфи - Элита-рекорд
--	--

ГОЛЛАНД ЗОТИ БЎЙИЧА:

ВАТЕР II 20157308

- тизими – Уес Идеал 933122;

- Голштин зоти, туғилган вақти – 16.04.1983 й, ГФР;

- 2 ёш 5 ойда тирик вазни – 780 кг;

- Синфи - Элита-рекорд;

ОН. Хилми 6199209 III лактация -7565 кг-5.24 % Синфи - Элита-рекорд ОН.ОН. Херин 6155243 12 лактация -11547 кг - 4.7 % Синфи - Элита-рекорд ОТ.ОН. Астранавт 502029 Синфи - Элита-рекорд	ОТ. Вери 502313 Синфи - Элита-рекорд ОН.ОТ. Витори USA 6082929 III- 10206 кг – 4.27% Синфи - Элита-рекорд ОТ.ОТ. Элвейшн 502043 Синфи - Элита-рекорд
---	--

АНГЛЕР ЗОТИ БЎЙИЧА:

Акотс – Циррус 7100

- Тизими – Замс 19874
- Англер зоти, Туғилган вақти – 01.09.1983 й, Латвия;
- 1 ёш 6 ойда тирик вазни – 370 кг;
- Синфи - Элита-рекорд;

ОН. Ама 5714 1-3 лактация -4446 кг-4.54 % Синфи - Элита-рекорд ОН.ОН. Анди 2751642 3 лактация -5722 кг - 4.7 % Синфи - Элита-рекорд ОТ.ОН. Ревал 19781 Синфи - Элита-рекорд	ОТ. Рейнерс-Циррус 25038 Синфи - Элита-рекорд ОН.ОТ. Рога 6080 1-2-3-6 - 8539 кг – 4.72% Синфи - Элита-рекорд ОТ.ОТ. Мюнцер 19115 Синфи - Элита-рекорд
--	--

БУШУЕВ ЗОТИ БЎЙИЧА:

ЗЕНИТ 822


- Тизими Гусар ШЭ – 10;
- Бушуев зоти, туғилган вақти – 16.03.1984 Сирдарё вилояти;
- 5 ёшида тирик вазни – 680 кг;
- Синфи - Элита-рекорд;

ОН. Зорка 814 III лактация - 6146 кг- 3.95 % Синфи - Элита-рекорд ОН.ОН. Алимка 771 3 лактация -5700 кг - 4.0 % Синфи - Элита-рекорд ОТ.ОН. Черноушей 431 Синфи - Элита-рекорд	ОТ. Агат 827 Синфи - Элита-рекорд ОН.ОТ. Агитация 348 5 - 4843 кг – 4.1% Синфи - Элита ОТ.ОТ. Клифф-Спринг 1677973 Синфи - Элита-рекорд
---	---

Юқоридагилардан келиб чиқиб республика ҳудудлари бўйича урчитиш режалаштирилган зотлар бўйича насли буқаларни жуфтлаш режаси тузилиб, улар бириктирилади. (3.2.1-жадвал).

Шунингдек наслчилик тоифасидаги хўжаликлардан насли моллар тайёрлаб сотиш талаби 3.2.2-жадвалда келтирилган.

3.2.1-Расм Аннос-Адема 30587 насли буқа тизими



**3.2.1 жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича
бириктирилган ҳамда ўриндош насли буқалар
РЎЙХАТИ**

№	Буқалар лақаби	Инвентар №	Зоти	Вилоятлар												
				Қорақалп	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм
1.	Карол	281	Қора-ола			X										
2.	Енгири	2599	Қора-ола						X							
3.	Снег	401	Қора-ола						X			X				
4.	Клин	464	Қора-ола					X			X					X
5.	Черныш	424	Қора-ола	X												
6.	Хосил	428	Қора-ола													
7.	Юма	2068	Қора-ола			X					X					
8.	Чудо	301	Қора-ола								X	X				
9.	Хитирец	623	Қора-ола							X		X		X		
10.	Борзый	695	Қора-ола					X			X					
11.	Гром	1423	Қора-ола				X			X	X		X			
12.	Потриот	755	Қора-ола		X										X	
13.	Хибур	653	Қора-ола		X					X					X	
14.	Гума	717	Голштинофриз	X						X	X					
15.	Карупция	652	Голштинофриз									X		X		
16.	Двейна	758	Голштинофриз				X						X			
17.	Инвест	8996	Голштинофриз		X	X									X	
18.	Джони	8167	Г/Ф Қизил Ола									X			X	
19.	Стир	1806	Голштинофриз					X						X		
20.	Банкир	5340	Голштинофриз					X			X	X			X	
21.	Стират	3338	Голштинофриз	X									X		X	
22.	Гоксо	1426	Голштинофриз							X			X	X	X	
23.	Гановет	2965	Г/Ф Қизил Ола							X	X			X		
24.	Энрико	2966	Г/Ф Қизил Ола						X					X		
25.	Милано	9765	Г/Ф Қизил Ола											X	X	
26.	Бурани	104	Голланд												X	X
27.	Дезирестр	1614	Швиц		X											
28.	Гармут	840	Швиц									X				
29.	Губерт	3954	Швиц											X		
30.	Кризу	1551	Швиц							X			X			
31.	Гомер	3954	Швиц					X		X						
32.	Пикко	6922	Швиц					X		X						
33.	Эмир	6922	Швиц									X			X	
34.	Галифакс	2750	Швиц									X	X			
35.	Петер	3954	Швиц			X										
36.	Волга	8758	Швиц					X								
37.	Лочин	8759	Швиц					X								
38.	Юг	495	Швиц		X											
39.	Север	0140	Швиц	X	X											
40.	Гост	1541	Швиц	X	X					X						
41.	Остор	1511	Швиц	X				X		X			X			

42	Нивин	952	Қиз-чўл					X			X					
43	Валуш	929	Қиз-чўл						X							
44	Лаванд	938	Қиз-чўл													X
45	Парин	930	Қиз-чўл	X												X
46	Кембо	2543	Қиз-чўл								X	X				
47	Сашка	475	Қиз-чўл			X		X			X					
48	Малш	489	Қиз-чўл	X					X		X					
49	Интер	25	Қиз-чўл			X					X					
50	Тофик	400	Қиз-чўл								X					X
51	Ком	18	Қизил						X							X
52	Кент	6814	Қизил						X		X					X
53	Крап	1	Қизил			X										
54	Класс	105	Қизил			X										X
55	Барон	3	Бушуев										X	X		
56	Граф	13	Бушуев										X			
57	Анкет	521	Бушуев										X			
58	Агат	827	Бушуев										X			
59	Цари	745	Бушуев										X			
60	Кайзер	869	Бушуев										X			
61	Зенит	822	Флекфи										X			
62	Рува	1886	Флекфи				X	X					X	X		
63	Рорко	7886	Сан гер				X	X						X		
64	Мулат	4187	Сан гер	X			X							X		
65	Петер	1387	Сан гер				X									
66	Аист	5235	Абердин ангус									X				
67	Лев	550	Қозоқ оқ бош	X												
68	Восток-2	545	Қозоқ оқ бош	X												

**3.2.2-жадвал Республика наслчилик хўжаликларидан насли мол
тайёрлаб сотиш режаси**

№	Туман	Хўжалик	Зоти	Қорамол бош сони	Сигирлар	Тайёрланадиган насли мол, бош
<i>Қорақалпоғистон Республикаси</i>						
1	Қўнғирот	Қўкликўл АХШ	Қизил-чўл	815	228	43
2	Мўйноқ	Мўйноқ АХШ	Сантагертруда	1783	315	60
3	Кегейли	Эркиндарё АХ	Сантагертруда	3318	914	174
4	Кегейли	Қозонкетган А	Сантагертруда	3610	1027	195
		Жами		9526	2484	472
<i>Андижон вилояти</i>						
1	Олтинкўл	Олтнкўл сут гўшт агрофирмаси	Швиц	410	232	46
2	Избоскан	Пайтуғ сут булоғи	Қора-ола	445	206	40
3	Қўрғонтепа	Муруваттекс	Швиц	917	302	60
		Жами		1772	740	146
<i>Қашқадарё вилояти</i>						
1	Касби	Юрт rischi МЧЖ	Қизил-чўл	756	242	48
2	Миришкор	Жейнов чорвадори Ф/х	Қора-ола	648	240	48
		Жами		1404	482	96
<i>Навоий вилояти</i>						
1	Кармана	Дўстлик агрофирма	Қизил-чўл	683	228	43
		Жами		683	228	43
<i>Наманган вилояти</i>						
1	Косонсой	Чашмаи Сафед	Қора-ола	737	350	67
2	Учқўрғон	Шодлик ф/х	Швиц	747	300	60
		Жами		1484	650	127
<i>Тошкент вилояти</i>						
1	Зангиота	Тошкент агро	Қора-ола	1040	400	80
2	Охонгорон	“Юлдуз” АГМК	Қора-ола	660	200	40
3	Тошкент	Кучли чорва ф/	Қора-ола	405	205	40
4	Ю.Чирчиқ	Мавлуда ф/х	Қора-ола	650	232	46
5	Қ.Чирчиқ	Сут булоғи	Қора-ола	764	420	84
6	Бўка	Низомиддин	Қора-ола	424	220	44
		Жами		3943	1677	334

<i>Фарғона вилояти</i>						
1	Қувасой	ВераАгросервс	Қора-ола	765	215	42
2	Охунбобоев	Шукурдавлат	Қора-ола	470	225	45
3	Ўзбекистон	Умид	Қора-ола	550	201	40
4	Ўзбекистон	А.Темур	Қора-ола	537	222	44
		Жами		2322	863	171
		Ҳаммаси		21134	7124	1389

3.3. Хориждан келтирилган Голланд зотли қорамолларнинг таъвсифи ва уни янги зотларни яратишдаги аҳамияти

Қора-ола тусдаги қорамоллар ер шарининг кўпгина ҳудудларида тарқалган. Бу зот қорамоллари сут йўналишидаги асосий зотлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Германия, Голландия, Эстония қора-ола зотлари, Урал қора-ола зоти, Голштин, Авлиё ота зотлари, Шарқий Европа ҳамда Осиё қора-ола зотларининг келиб чиқиши Голланд зотига боғлиқдир. Юқорида қайд этилган зотларнинг ота ёки она аجدодлари Голланд зоти бўлиб ҳисобланади.

Голланд зоти сутбоп қорамол ҳисобланиб қадимий ва сермахсул бўлиб, бошқа зотларнинг иштирокисиз соф ҳолда яратилган. Бу зотнинг келиб чиқишида Голландиянинг географик ва экологик жихатидан қулай жойлашуви; денгизга яқинлиги, ҳудудда савдо сотиқ алоқаларини ривожланганлиги сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёж Недерландияда бу соҳани ривож топишига ижобий таъсир кўрсатди. Мамлакатнинг юмшоқ ва майин иқлими, ниҳоятда ҳавода намликнинг юқорилиги, қиш фаслининг мутадил ҳамда қисқа бўлиши кенг сер ўт яйловларнинг, ўтлоқларнинг мавжудлиги сутбоп қорамолчиликни шаклланишида, ривож топишида имкониятлар яратди.

Голландияда қора-ола, қизил-ола, гронинген зотлари сут йўналишидаги зотлар жумласига кирази ва бу зот қорамоллари мазкур ҳудудда кўплаб боқиб урчитилмоқда. Ушбу сут йўналишидаги қорамоллардан энг кўп тарқалганлари - голланд қора-ола зотидир. Бу зотнинг юқори маҳсулдор, генетик имконияти юқори бўлган подалари Голландиянинг Фрисландия

вилоятида урчитилади. Голландия қора-ола моллари бундан ташқари Канада, АҚШ, Англия, Франция, Япония ва бошқа бир қатор давлатларда соф ҳолда урчилмоқда. Мазкур қорамолларнинг Канада, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлардаги селекция подалари Фриз, Голштина-фриз ёки Голштин номи билан машҳурдир. Бу зот қорамоллари, юқори маҳсулдор, йирик тана тузилишига эга, сут безлари яхши ривожланган, сут ҳилига мансуб ҳисобланади. Шунингдек, соф ҳолда урчитиш билан биргаликда яхшиловчи зот сифатида ҳам дунёда кенг фойдаланилади. Россия, Болтиқбўйи, Германия, Швеция, Польша, Италияда маҳаллий қорамолларни Голланд зоти билан чатиштириш асосида ўз қора-ола зотлари яратилган. Масалан Германияда Остфриз, Швецияда швиц қора-ола, Исроилда Голштин зотлари шу усулда яратилган. Масалан Голландия фермерлари томонидан 1874 йили Нидерландия, яъни Голландия наслчилик китобига асос солинган ва унга барча зотларнинг наслдор қисми рўйхатга олинган. Голланд зотининг сермахсул подалари кенг тарқалган. Фрисляндия вилоятида 1879 йили Голланд зотли моллар учун алоҳида наслчилик китоби ташкил этилган. Кенг миқёсда наслчилик ишларини олиб бориш натижасида 1980-1985 йиллар давомида зотни яна ҳам такомиллаштиришга эришилди. Хозирги даврда урчитилаётган Голланд зотли қорамолларнинг танаси йириклашган ва серсутлиги кўтарилган. Уларнинг тана тузилишини таърифласак, сигирларнинг яғрин баландлиги 130-132 см, танаси мутонасиб ривожланган, елка, орқа ва белининг устки чизиғи тўғри, суяги мустаҳкам, мускуллари яхши ривожланган териси юпқа ва эластиксимон, елини етарлича ривожланган ва косасимон шаклда. Бузоқларнинг туғилгандаги тирик вазни 36-42 кг га тенг, катта ёшдаги сигирларнинг тирк вазни 600-650 кг, буқаларнинг тирик вазни 850-1000 кг ни ташкил қилади. Бўрдоқи қилинган молларнинг сўйим чиқими 55-60 фоизга тўғри келади.

Сигирлари юқори маҳсулдорлик хусусиятига эга. Назоратдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 5500-6000 кг, сут таркибидаги ёғ миқдори 4.0-4.2 %, сут оксили эса 3.4-3.6 фоизни ташкил қилади.

Мазкур зотни такомиллаштиришда “Адема-197” букасининг ўз авлодларига бўлган ижобий таъсири катта бўлган. Унинг 110 бош қизининг ўртача сут маҳсулдорлиги 4902 кг га, сутдаги ёғдорлик даражаси эса 4.05% га тўғри келган. Ундан тарқалган букаларнинг 191 таси наслчилик китобида рўйхатга олинган. Шу авлодга мансуб бўлган “Анас-адема 30587”, “Хилтек-адема 37910” ва бошқа насли бука тизимлари ўзларининг наслдорлик хусусиятлари билан машҳурдир. Бу насли бука тизимларидан чиққан кўпчиллик авлодлари бошқа мамлакатларга олиб кетилган ҳолда ва қора-ола зотли молларнинг серсутлигини ва айниқса, серёғлилигини оширишдаги селекция-наслчилик ишларида кенг фойдаланилган.

Англияда Голланд зотли моллар биринчи марта 19-асрнинг охирларида соф ҳолда урчитишга киритилган. Британия селекция асосида яратилган Фриз моллари ўзларининг юқори маҳсулдорлиги ва наслдорлиги туфайли тез ривожланиб, кенг тарқалди. Жумладан, кейинги 1960-1965 йиллар давомида уларнинг жамини серсут зотларга бўлган салмоғи 80 % дан ошиб кетди. Британия фризи қорамолларининг биринчи наслчилик китоби 1909 йилда чоп этилди. Англия фризлари ташқи кўринишидан яхши ривожланган бўлиб тирик вазни 600-650 кг га тенг.

Францияда қора-ола зотли моллар 19-асрнинг бошларидаёқ урчитила бошлади ва уларнинг ҳозирги салмоғи бошқа зотлар қаторидан 2 чи ўринни эгаллайди. Франция Қора-ола зотли моллари 4500-5000 кг сут беради ва унинг ёғлилик даражаси 3.6-3.65 % га тўғри келади.

Германияда қора-ола зотли молларнинг бир неча туркуми мавжуд. Уларнинг барчаси мамлакатда урчитилаётган қорамоллар солмоғининг 80 % фоизини ташкил қилиади. Қора-ола зотли моллар устида олиб борилган наслчилик ишлари уларнинг серсутлигини оширишда ҳамда гўшт маҳсулдорлигини сифатларини ҳам яхшилади. Селекция жараёнида кўпроқ сигирларнинг берадиган сут миқдориға эътибор берилди. Натижасда сут миқдори 4000-4500 кг га кўтарилган бўлсада, унинг таркибидаги ёғ миқдори пасайиб кетди ва 3.5-3.7 фоизга тўғри келди.

Щвиц қора-ола зотли моллари биринчи марта Голландиядан 18-асрнинг бошларида олиб келинган. Улар соф ҳолда урчитилиши билан биргаликда маҳаллий қорамолларни чатиштиришда фойдаланилган. Щвиц қорамолчилигида қора-ола зотли моллар сони 35 % ни ташкил этади. Сигирларнинг тирик вазни 600-650 кг га тўғри келади. Назоратда бўлган 74.6 минг бош сигирнинг 1970 йилда берган ўртача сут соғими 5571 кг га тўғри келиб, ёғлилик даржаси 3.97 % бўлган. Щвиц қора-ола зотли молларнинг “Де Шоон 19943”, “Гоби 21046”, “Рейнти 21024” ва бошқа насли буқа тизимлари ўзларининг маҳсулдорлик хусусиятлари билан машҳурдирлар. Бу буқалар тизимларидан бўлган авлодлар МДХ хўжаликларида ишлатилиб яхши натижалар олинган.

АҚШ га Голланд зотли молларни олиб кетиш ва Голштин зотини яратиш ишларнинг бошланиши 17-асрнинг охирлари ва 18-асрнинг ўрталарига тўғри келади.

Россияга Голланд зотли моллар биринчи марта 17-асрнинг охирлари ва 18-асрнинг бошларида олиб келинган ва Волга бўйи минтақаларида жойлашган хўжаликларда урчитилган. Волга бўйининг таббий иқлим шароитида боқилган молларнинг маҳсулдорлиги 2000-2500 кг, ёғ миқдори 3.0-3.3 фоиз ва сигирларнинг тирик вазни 430-460 кг га тўғри келган. Селекция ишларини олиб борилиши ва молларни соф ҳолда урчитиш яхши натижалар берган. Уларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари кўтарилган. Голланд зотли моллар билан маҳаллий қорамолларни чатиштириш ва уларнинг сут маҳсулдорлигини кўтаришга катта эътибор берилган.

Натижада Россиянинг Саратов вилояти, Қирғизистоннинг Таллас водийсида, Эстония, Литва ва Беларуссия Республикаларида кўплаб қора-ола молларнинг дурагайлари олинган.

Голландия қорамоли Холмогор, Тагил, Бестушев ва бошқа зотларни такомиллаштиришда самарали фойдаланилган.

Наслчилик ишлари ва озиқлантириш шароитлари юқори меъёردа ташкил қилинган хўжаликларда Голланд ва Голштин зотли молларнинг

махсул подалари яратилган. Масалан Москва вилоятининг “Михайлов”, “Петеров”, “Комунарка”, Санкт-Петербург вилоятининг “Детеско селеской” наслчилик хўжаликларида Голланд қора ола зотли сигирларнинг сут соғими 4000-5000 кг ни ва унинг ёғлилиги 3.8-4.0 фоизни ташкил қилади.

Болтиқ бўйи (Эстония, Латвия ва Литва) қора-ола зотлари ўзларининг насл ва маҳсулдорлик хусусиятлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу зотлар шу минтақалардаги маҳаллий қорамолларни Голланд ва Голштин зотлари билан чатиштириб ва кўплаб олинган маҳсулдор дурагай молларни узоқ йиллар давомида “ўз ичида” урчитиш ҳамда уларни танлаш ва саралаш асосида яратилган.

Ўрта Осиё қора-ола моллари. Ўзбекистон минтақасига қора-ола зотли қорамоллар 1882-1885 йилларда бошлаб олиб келинган. Армфлед маълумотларига кўра, 1882 йили Тошкент Қишлоқ хўжалиги мактабига 1 бош буқа ва 5 бош тана келтирилган. 1885 йилда 2 чи бор 1 бош буқа ва 2 бош ғунажин олиб келинган. Тавилдаровнинг маълумотига кўра ўша даврда кўчиб келган немис оилаларига парваришlashга берилган. Улар бу қора-ола зотли молларни кўпайтириб Авлиёта вилояти ҳамда Тошкент шаҳри атрофида яшовчи Рус оилаларига сота бошлашган. Бу минтақаларда уларни соф ҳолда урчитиш ва маҳаллий қорамоллар билан чатиштириш натижасида Талас водийсида қора-ола зотли молларнинг Авлиёта ҳили ва Тошкент шаҳри атрофида Тошкент ҳили шакллана бошлаган. Яна шундай фикирлар ҳам борки Тошкент шаҳрига яқин жойлашган.

“Қоплонбек” таянч пунктида маҳаллий зебусимон қорамолларни, аввола швиц, симментал ва Голланд зотлари билан чатиштириш натижасида қора-ола моллар гуруҳи яратилган. Бу ердаги қора-ола зотли моллар подалари асосан голланд зоти билан чатиштириш ҳамда “Таллас” водийсидан Авлиёта қора-ола молларини олиб келиш ҳисобидан кенгайтирилган.

Ўзбекистонда қора-ола зотли молларни шакиллантиришда ва уларни такомиллаштиришда наслчилик ишларини узоқ йиллар олимлардан

Т.Ф.Тавилдарова, А.К.Авович, Э.Ю.Карчевский ва бошқалар муносиб ҳисса кўшиб келдилар. Профессор Э.Ю.Карчевский Ўзбекистонда қора-ола зотли молларнинг шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнларини қуйидаги даврларга ажратди:

-Биринчи давр (1925-1938 й.) жамоа ва давлат хўжаликларини ташкил қилиш жараёнида ҳар ҳил зотлар ва дурагай молларни Ўзбекистонга олиб келиш билан характерланади, айниқса олиб келинган дурагай моллар ичида голланд моллари кўпчилиқни ташкил қилган. Тошкент атрофидаги хўжалиқларда яратилган қорамоллар Голланд зотли молларнинг дурагайлари бўлган.

1934 йили мавжуд қорамоллар подаларини ўрганиш бўйича олиб борилган экиспидитция натижасида уларни Голланд зоти билан чатиштириш ишларини давом эттириш тавсия этилган.

1935 йили Тошкент атрофи моллари устида наслчилик ишлари олиб бориш мақсадида голланд молларининг давлат наслчилик хўжалиғи ташкил этилди. 1937 йилдан бошлаб голланд зотининг дурагайлари Саратов, Волгаград ва Новосибирский вилоятларидан кўплаб олиб келинди ва Тошкент атрофи ҳудудидаги молларни чатиштириш давом эттирилди. Голландлаштирилган моллар устида танлаш ва саралаш ишлари олиб борилди. Дурагай молларнинг серсутлиғи ва унинг серёғлиғига асосий эътибор берилди.

-Иккинчи давр (1939-1950 й.) Ўзбекистон Голланд зотли молларининг наслчилик базасини яратиш билан характерланади. Бу даврда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида “Вревиский №3” ва “Вревиский №4” наслчилик хўжалиқлари ташкил қилиниб, 1939-1940 йиллари наслдор подалари шакллантирилди. А.С.Громенскийнинг маълумотиға кўра шу йиллари Ўзбекистонга 3746 бош Швиц, Қизил чўл ва Голланд зотли моллар келтирилган. Шулардан 782 бош Голланд зотли моллар Вревиский номли хўжалиқга берилган.

1940-1941 йиллари соф зотли ва дурагай Голланд моллардан 142 бош Саратов вилоятидан олиб келинган.

1940-1949 йиллар давомида Голланд зотларидан фойдаланиш ички йўналишда олиб борилди. Улар соф ҳолда урчитилди ҳамда маҳаллий моллар билан чатиштирилди.

-Учинчи даврда (1950-1957 й.) Россия ва Болтик бўйидан Ўзбекистонга кўплаб қора-ола зотли моллар олиб келинди ва шунинг асосида наслдор подалар яратилди. Жумладан, Эстония, Латвия ва Россиядан 1956 йили 1767 бош қора-ола зот моллар олиб келинди.

-Тўртинчи даврда (1957-1964 й.) Тошкент наслчилик станцияси ташкил этилди ва вилоят хўжаликлари бўйича наслчилик ишлари олиб борилди. Тошкент наслчилик станцияси Эстония ва Голландиядан олиб келинган ҳамда “Чиноз” наслчилик хўжалигида етиштирилган буқалар ҳисобидан тўлдирилди.

Қора-ола зотни такомиллаштириш наслчилик-селекция ишларида Голланд ва Эстон қора-ола зотли маҳсулдор буқа авлодларидан самарали фойдаланилди. “Чиноз” наслчилик заводида Голланд зотида машҳур бўлган “Анна-Адема 30587” лақабли буқаси тизимига мансуб бўлган “Сам 4084” ва “Виске 4090” буқалари танлаб олинди, ҳамда саралаш ишлари кенг фойдаланиб, янги завод тизимига асос солинди.

-Бешинчи давр (1965-1990 й.) Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятлари хўжаликларида қора-ола зотли молларни кенг миқёсда урчитиш, уларнинг маҳсулдорлиги ва наслдор кўрсаткичларини яхшилаш билан характерланади. 1972-1975 йиллари қорамолчилиги ривожланган давлатлардан юқори насли моллар олиб келинди. Жумладан, Германиядан 639 бош, Польшадан 517 бош, жами 1156 бош тана ва ғунажинлар келтирилди.

Шу давр ичида Ўзбекистонда урчитилаётган қора-ола зотли молларнинг сони 90 минг бошдан 450 минг бошга етказилди. Соф зотли моллар негизи 50

% га кўпайди зот андозаси талабига жавоб берадиган моллар салмоғи 77 % ни ва шу жумладан, сигирлар 75 % ни ташкил этди.

Эстон қора-ола зотли буқалар тизимидан самарали фойдаланилди “Линберг Н-2363”, “Кахурн 4036”, “Неэро ЭСНГ-173” Эстония қора-ола зотли ҳамда “Анна-адэма 30587”, “Хилтес-адэма 37910”, “Нико 31652” Голланд зотли буқалар авлодлари наслчиликда яхши натижалар берилди.

Қора-ола зотнинг Эстония селекциясига мансуб бўлган “Рейной 119” лақабли насли буқанинг янги завод тизими яратилди.

Қора-ола зотли молларнинг Ўзбекистон ҳили ўзининг тана тузилиши ва маҳсулдорлик хусусиятлари билан қора-ола молларга хосдир. Моллар йирик ва серсут тана тузилиши ҳилида. Молларнинг ўсиш ва улғайиш характери ҳам юқори меъёрга ўтади. Бузоқларнинг туғилгандаги тирик вазни 28-32 кг, 6 ойлигида 135-150 кг, 12 ойлигида 220-250 кг ва 18 ойлигида 300-350 кг, сигирларнинг тирик вазни ўртача 500-550 кг, айримлариники 700 кг гача етади. Ўзбекистон давлат наслчилик китобига ёзилган соф қора-ола зотли сигирларнинг сут соғими 4773 кг ва унинг ёғлилик даражаси 3.6 % ни ташкил қилган. Дурагай III ва IV авлод сигирларнинг сут маҳсулдорлиги тегишлича 4738 кг ва 3.67% ни ташкил қилади. “Чиноз” наслчилик заводида парваришланган “Чёлка 860” лақабли сигир 5 чи туғишида 10518 кг сут берган ва сут таркибидаги ёғ миқдори 3.8 % бўлган.

Хулоса қилиб айтганда четдан келтирилган юқори маҳсулдор моллар Республика минтақасида қолаверса, Ўрта Осиё ҳудудидаги маҳаллий қорамолларни насл қийматини яхшилашда ва маҳсулдорлигини оширишда сермаҳсул подалар яратишда ижобий таъсир кўрсатади. Шу мақсадда Республика вилоятларидаги деҳқон, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарига 2006-2009 йиллар давомида 16771 бош насли моллар четдан келтирилиб, боқиб парвариш қилинмоқда. Улардан насл ва маҳсулот етиштириш йил сайин кўпайтирилиб борилмоқда (3.3.1-жадвал)

3.3.3 жадвал. Ўзбекистон Республикасига четдан насли қорамол келтириш бўйича 2013 йил 1-январга бўлган тахлилий маълумот

Вилоятлар	Келтириладиган насли моллар сони, бош	Шартнома тузилган давлат	Зоти	2006 йилда мол олиб келинди, бош	2007 йилда мол олиб келинди, бош	2008 йилда мол олиб келинди, бош	2009 йилда мол олиб келинди, бош	жами
Қорақалпоғистон Республикаси	1010	Қозоғистон	Голштинофриз	37	268	100	464	869
Андижон	570	Қозоғистон	Голштинофриз		282	230	408	920
Бухоро	1655	Украина	қизил чўл		139	503	1100	1742
Жиззах	1080	Польша	Голштинофриз	204	623	226	526	1579
Қашқадарё	1880	Украина Хитой	Қизил чўл		122	600	1378	2100
Навоий	760	Қозоғистон	Швиц		50	406	223	799
		Украина	Голштинофриз					
		Қозоғистон	Голштинофриз		120			
Наманган	700	Голландия	Голштинофриз		165		362	527
		Хитой						
Самарқанд	880	Қозоғистон	Қизил чўл	100	189	760	75	1124
Сурхондарё	1165	Хитой Германия Польша Белоруссия	Голштинофриз	60	60	278	422	820
Сирдарё	1520	Белоруссия	Қора-ола		75	486	225	786
		Украина						

Тошкент	2080	Германия	Голштино-фриз	68	165	1793	605	3477
		Голландия			295			
		Хитой			489			
Фарғона	850	Хитой	Голштино-фриз		62			
Хоразм	500	Украина	Голштино-фриз		125	469	363	957
Хоразм	500	Украина	Қизил чўл	163	258	650	500	1071
Жами:	14650			632	3487	6501	6651	16771

3.3.3 Жадвал маълумотлари тахлилига кўра 2006 йилда Қорақалпоғистон Республикасига 37 бош Голштин Қозоғистон Республикасидан, Жиззах вилоятига 204 бош Голштин Польша давлатидан, Самарқанда вилоятига 100 бош қизил чўл зотли қорамоллар Қозоғистон Республикасидан, Сурхондарё вилоятига Польша давлатидан 60 бош Голштин, Беларуссия Республикасидан Тошкент вилоятига 68 бош Голланд қорамоллари келтирилган бўлса, 2007 йилда барча вилоятлар бўйича турли зотдорликдаги насли моллар жами 3487 бош, 2008 йилда 6501 бош, 2009 йилда 6651 бош, Жами Республика бўйича 2006-2009 йиллар давомида 16771 бош қорамоллар (Голланд, Голштин, Қора-ола, Қизил чўл, Швиц зотларига мансуб) Германия, Голландия, Польша давлатларидан ва Украина, Беларуссия, Қозоғистон Республикаларидан келтирилди.

3.3.4 - жадвалда республикамизга хориждан келтирилган насли моллардан фойдаланаётган наслчилик хўжаликлари ва ташкилотлар бўйича тахлилий маълумотлар келтирилади.

3.3.5 - жадвалда Республикада 2010 йилда четдан келтирилган насли моллар ва наслчилик хўжаликларида насли мол тайёрлаб сотиш параметрлари келтирилади.

3.3.4.-жадвал Четдан келтирилган насли моллардан фойдаланаётган наслчилик хўжаликлари ва ташкилотлар тўғрисида таҳлилий маълумот

№	Туман	Хўжалик	Зоти	Қорамол бош сони	сигирлар	Тайёрланадиган насли мол, бош
Қорақалпоғистон Республикаси						
1	Элик-каъа	Ўрнак насл ф.х	қора-ола	126	88	17
Андижон вилояти						
2	Шахрихон	Гулистон нурли истиқболи	қора-ола	203	93	18
Бухоро вилояти						
3	Қорвул-бозор	Бухоронепфтни қайта ишлаш	қизил чўл	1276	275	55
4	Жондор	Пахтасаноат чорва	қизил чўл	270	79	16
ЖАМИ:				1546	354	71
Жиззах вилояти						
5	Жиззах	Милк фудс	қора-ола	495	495	90
Қашқадарё вилояти						
6	Қариш	Қаришиёғэкстр акция	қизил чўл	90	47	20
7	Қариш	И.Бозоров	қизил чўл	61	34	6
ЖАМИ:				151	81	26
Наманган вилояти						
8	Мингбулоқ	Ухуд ф/х	қора ола	216	98	18
Самарқанд вилояти						
9	Пайариқ	Дилойнаси	қора ола	129	75	15
Сурхондарё вилояти						
10	Термиз	Наврўз	қора-ола	641	271	54
Сирдарё вилояти						
11	Ховос	Сирдарё ИЭС	қора-ола	604	128	26
Тошкент вилояти						
12	Зангиота	Милк-Агро	қора-ола	65	33	6
13	Зангиота	Шахобиддин Али Яздий ф.х	қора-ола	180	92	18
14	Зангиота	Алоқачи МЧЖ	қора ола	131	92	20
15	Охангарон	Юлдуз АГМК	қора ола	670	350	70

16	Пискент	Имкон агроплюс	қора ола	170	97	18
17	Қ. Чирчик	Азия милкпродукт	қора ола	180	75	15
18	Чирчиқ ш.	Махсам Чирчик	қора ола	170	98	20
19	Чиноз	Юлдуз ф.х.	қизил ола	232	70	35
20	Чиноз	Хожасакент	қора-ола	205	110	22
ЖАМИ:				2003	1017	224
Фарғона вилояти						
22	Ўзбекистон	Муқимий Файз	қора-ола	32	17	3
23	Риштон	Ахроржон ф.х.	қора ола	80	54	11
24	Фарғона	Фарғона азот	қора ола	258	143	28
ЖАМИ:				370	214	42
Хоразм вилояти						
25	Урганч	Урганч ёғ	қизил чўл	80	80	16
Республика бўйича				6564	2994	617

3.3.5-жадвал Республикада 2010 йилда четдан келтирилган насли моллар ва наслчилик хўжаликларида насли мол тайёрлаб сотиш параметрлари

	Туман	Хўжалик	Зоти	Кора мол бош сони	сигирлар	Тайёрланадиган насли мол, бош
--	-------	---------	------	-------------------	----------	-------------------------------

Коракалпоғистон Республикаси

1	Эллик-қалъа	Ислон насл чорва МЧЖ	қора-ола	250	105	20
2	Эллик-қалъа	Қудрат-санъат ф/х	қора-ола	250	104	20
3	Кўнғирот	Кўкликўл ш/х	қизил чўл	815	228	43
4	Мўйноқ	Муйноқ ш/х	сантагерт руда	1783	315	60
5	Кегейли	Эркиндарё ш/х	сантагерт руда	3318	914	174
6	Кегейли	Қозонкетган ш/х	сантагерт	3610	1027	195

			руда			
7	Элликка лға	Ўрнак насл ф.х	кора -ола	300	88	17
		ЖАМИ:		1032 6	2781	528

Андижон вилояти

1	Олтинку л	Бахт имкон ривожи ф/х	шви ц	421	123	24
2	Олтинку л	Олтинкўл сут гўшт агрофирмаси	шви ц	410	232	46
3	Андижо н	Мухтор ф/х	шви ц	593	135	26
4	Избоска н	Пайтуг сут булоги	кора -ола	445	206	40
5	Кўрғонт епа	Муруваттекс	шви ц	917	302	60
6	Асака	Шарк боходири ф/х	шви ц	300	115	22
7	Шахрих он	Азизбек хус. кор.	шви ц	634	150	30
8	Шахрих он	Расул Д ф.х.	шви ц	276	128	24
9	Шахрих он	Гулистон нурли истикболи	кора -ола	329	116	22
		ЖАМИ:		4325	1507	294

Бухоро вилояти

1	Қорвулб озор	Бухоронепфтника йта ишлаш	қизи л чўл	1276	275	60
2	Жондор	Пахтасаноат чорва	қизи л чўл	270	79	16
3	Ромитан	Озод фермер хужалиги	қизи л чўл	365	125	24
4	Ғиждуво н	Файз ф.х.	қизи л чўл	390	125	24
		ЖАМИ:		2301	604	115

Жиззах вилояти

1	Жиззах	Милк фудс	кора -ола	495	495	90
2	Дўстлик	Миришкор	кора	132	77	15

			-ола			
3	Пахтакор	Фуркат	қора -ола	185	72	14
		ЖАМИ:		812	644	119

Қашқадарё вилояти

1	Қасби	Юрт ризки МЧЖ	қизи л чўл	756	242	48
2	қасби	THE WESX SXAR	қизи л чўл	265	85	17
3	Қарши	Бахт ф.х.	қизи л чўл	511	150	30
4	Қарши	Қаршиёғэкстрак ция	қизи л чўл	90	47	20
5	Қарши	И.Бозоров	қизи л чўл	61	34	26
6	Қитоб	Бошбулок чорва ф/х	шви ц	544	150	30
7	Шахриса бз	Шамшир Ал- Акбар ф/х	шви ц	300	100	20
8	Шахриса бз	Муминобод барака ф.х.	шви ц	213	146	28
9	Миришк ор	Жейнов чорвадори ф/х	қора ола	648	240	48
10	Яккабоғ	Қарпат ола чашмаси	шви ц	160	70	15
		ЖАМИ:		3548	1264	282

Навоий вилояти

1	Қармана	Дустлик Агрофирма	қизи л чўл	683	228	43
2	Қармана	Равшан ф.х.	қизи л чўл	260	100	20
3	Қизилте па	Тўқсонбобо ф.х.	қизи л чўл	200	100	20
4	Хатирчи	Истиклол 10 йиллиги	қизи л чўл	307	167	32

		ЖАМИ:		1450	595	115
--	--	--------------	--	-------------	------------	------------

Наманган вилояти

1	Мингбул оқ	Ухуд ф/х	қора ола	216	98	20
2	Косонсо й	Чашмаи Сафед қхк	қора ола	737	267	51
3	Учқўрғо н	Мавлуда она ф/х	шви ц	500	120	24
4	Чортоқ	Анортоғ ф.х.	қора ола	350	80	16
5	Чортоқ	Чортоқ ипаги ф/х	қора ола	467	171	34
		ЖАМИ:		2270	736	145

Самарқанд вилояти

1	Тойлок	Сиёб саховати (Чорва барака)	қизи л чўл	750	175	33
2	Пастарго м	Чортут ф/х	қора -ола	364	134	26
3	Пастарго м	Беш бола ф/х	қора -ола	313	130	26
4	Пастарго м	Хамид чорвачилик вохаси ф.х.	қора -ола	278	100	20
5	Пастарго м	Улуғбек Ойбек Чорваси	қора ола	100	100	20
6	Каттаку ргон	Шохсанам ф/х	қора -ола	301	150	30
7	Пайарм к	Дилойнаси	қор а ола	129	75	15
		ЖАМИ:		2235	864	170

Сурхондарё вилояти

1	Денов	Лочин ф/х	қора -ола	1180	110	21
2	Денов	Холиқ ф.х.	қора -ола	206	102	20
3	Денов	Наврўз 96 ф.х	қора -ола	267	112	21
4	Денов	Умид ф.х.	қора -ола	261	142	27
5	Денов	Бахриддин ф.х.	қора -ола	685	193	37
6	Денов	Иброхим ф.х	қора	362	170	32

			-ола			
7	Денов	Ш.Йулдошов ф.х.	қора -ола	255	105	20
8	Сариоси ё	Қўлписта ф/х	қора -ола	305	100	20
9	Сариоси ё	Зевар ф.х.	қора -ола	302	115	22
10	Термиз	Наврўз	қора -ола	641	271	54
		ЖАМИ:		4464	1420	274

Сирдарё вилояти

1	Сирдарё	Мехридарё ф.х.	буш уев	210	72	14
2	Ховос	Нур МЧЖ	қора -ола	211	56	13
3	Ховос	Сирдарё ИЭС	қора -ола	604	128	26
4	Сайхуно бод	Сайхунсутхўжа карсон	қора -ола	257	73	14
		ЖАМИ:		1282	329	67

Тошкент вилояти

1	Зангиота	Милк-Агро	қора -ола	600	175	35
2	Зангиота	Тошкент агросаноат МЧЖ	қора -ола	1040	400	80
3	Зангиота	Шахобиддин Али Яздий ф.х	қора -ола	490	130	26
4	Зангиота	Алоқачи МЧЖ	қора ола	131	92	20
5	Зангиота	Пегас Агро Мастер ф.х	қора -ола	370	100	20
6	Охангар он	Юлдуз АГМК	қора ола	670	350	70
7	Оккурго н	К.Темирбоев	қора -ола	270	100	20
8	Паркент	"Бахт"	қора -ола	551	170	34
9	Пискент	Имкон агроплюс	қора ола	170	97	18
10	Тошкент	М.Фозилов МЧЖ	қора -ола	300	160	32
11	Тошкент	Рохатой	қора -ола	320	154	30
12	Тошкент	Кучли чорва ф.х	қора	405	205	40

			-ола			
13	Ў.Чирчик	Бўстон чорвадори	қора ола	140	80	16
14	Ў.Чирчик	Мега чорвадор	қора ола	300	100	20
15	Қ.Чирчик	Азия милкпродукт	қора ола	180	75	15
16	Ю.Чирчиқ	Мурувват агросаноат ч.ш.к.	қора -ола	610	120	24
17	Ю.Чирчиқ	Тано ф.х.	қора -ола	402	180	36
18	Чирчиқ ш.	Махсам Чирчиқ	қора ола	170	98	20
19	К.Чирчик	Куйичирчиқ сут булоғи	қора -ола	764	420	84
20	Урта Чирчиқ	Камол ота ф.х	қора -ола	300	183	36
21	Урта Чирчиқ	Гулбахор ф.х	қора -ола	340	132	26
22	Чиноз	"Юлдуз" ф.х	қора -ола	600	180	36
23	Чиноз	Кожакент	қора -ола	600	170	34
24	Кибрай	Чорвадор ф.х	қора -ола	265	112	22
		ЖАМИ:		9988	3983	794

Фарғона вилояти

1	Охунбобоев	Шукурдавлат	қора -ола	470	225	45
2	Ўзбекистон	А.Темур	қора -ола	537	222	42
3	Ўзбекистон	Мукимий Файз	қора -ола	461	150	30
4	Фарғона	Волида ф.х.	қора -ола	287	128	26
5	Фарғона	Жалолиддин Ғойипов	қора -ола	118	50	10
6	Фарғона	Ёрдон ф.х	қора -ола	238	94	18
7	Фурқат	Шабода-Н	қора ола	275	95	20
8	Фурқат	Ортиғали Ғаниев	қора -ола	148	75	15
9	Риштон	Ахроржон ф.х.	қора	80	54	10

			ола			
10	Фарғона	Фарғонаазот	қора ола	315	167	33
		ЖАМИ:		2929	1260	249

Хоразм вилояти

1	Урганч	Урганчёғ	қизи л чўл	145	80	16
2	Урганч	К.Сапаев	қизи л чўл	435	183	36
3	Урганч	Бахром ф.х.	қизи л чўл	175	58	12
4	Янгибоз ор	Асал ф.х.	қизи л чўл	156	60	12
		ЖАМИ:		911	381	76
Республика бўйича				4684 1	16368	3228

Хулоса қилиб айтганда наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳар 100 бош сигир ҳисобидан 20 бош насли ёш мол тайёрлаш талаби белгиланган натижада эса насли моллар тайёрлаб сотиш иқтисодий самарали эканлиги намоён бўлади.

3.4. Ёш молларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари

Бузоқларнинг тирик вазни уларнинг ўсиш, ривожланиш даражасини баҳолашда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. 3.4.1. жадвалда бузоқларнинг тирик вазни динамикаси келтирилади.

3.4.1.-жадвал. Бузоқларнинг тирик вазни динамикаси

Ёши ойлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X+Sx	CV1%	X+Sx	CV1%	X+Sx	CV1%
Туғилганда	35.7 ± 0.5	4.40	29.2 ± 0.41	6.50	25.2 ± 0.28	4.45
3	100.1± 0.85	3.74	92.4 ± 1.10	4.51	85.2 ± 0.61	2.94
6	168.1± 1.10	2.85	157.8± 1.51	3.66	148.4 ± 1.15	3.11
9	229.9± 1.50	2.81	212.3± 2.01	3.14	201.1 ± 1.15	2.74
12	271.1± 4.12	5.65	264.4± 2.17	3.07	251.0 ± 1.82	2.79
15	324.1± 2.01	2.21	314.1± 2.45	3.00	295.2 ± 2.19	2.80
18	370.1± 2.00	1.99	359.9± 2.80	2.99	341.1± 2.40	2.66
Биринчи оталанишда	385.1± 2.44	2.85	364.1± 2.80	2.95	350.1± 1.80	2.05
Биринчи туғишда	450.3± 2.10	2.05	440.1± 3.40	3.01	430.1± 4.00	3.50

3.4.1-жадвалдан кўринишича энг юқори тирик вазнга 3 гуруҳ бузоқлари эришдилар.

Тирик вазни бўйича ўзгарувчанлик коэффиценти барча гуруҳларда гуруҳлараро катта фарқ қилмади, бу эса улардаги бузоқлар деярли бир текис ўсганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, хориждан келтирилган қорамоллар авлодларини Республикамиз иқлим шароитида боқиб кўпайтириш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигидан далолат беради.

3.4.2 жадвалда бузоқларнинг кунлик тирик вазни ортишининг ўсиш давлари бўйича ўзгариши келтирилади.

3.4.2 жадвал. Бузоқларнинг кунлик тирик вазни ортишининг ўсиш давларида ўзгариш динамикаси.

Ўсиш давлари ойлар	Гуруҳлар					
	1		2		3	
	X+S _x	CV1%	X+S _x	CV1%	X+S _x	CV1%
0-3	725.2± 8.90	4.71	715.1± 12.0	4.75	667.1± 8.01	3.02
4-6	751.3± 10.6	5.10	730.2± 9.90	5.00	700.1± 10.0	5.01
7-9	655.7± 42.2	8.15	590.1± 11.0	7.00	599.9± 9.10	5.81
10-12	580.1± 12.01	8.88	574.5± 8.00	4.99	550.0± 8.10	5.70
13-15	547.7± 27.6	17.7	531.6± 7.27	4.99	484.5± 5.50	4.31
16-18	501.6± 39.9	28.6	478.8± 6.41	5.31	450.4± 6.10	5.18

Республикадаги мавжуд деҳқон, фермер хўжаликларидаги чорва моллари маҳсулдорлигини такомиллаштириб бориш ва уларни иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида, айниқса хориждан келтирилган насли буқалар уруғи билан сигир ва таналарни сунъий уруғлантириш кенг йўлга қўйилди. (3.4.3 жадвал). Жумладан 2010 йил 1-январ ҳолатига 2443 та зооветеринария пунктлари, 1003 та сунъий қочириш пунктлари ташкил этилди.

Ташкил этилган зооветеринария пунктлари орқали пуллик хизмат кўрсатиш 6261.5 млн сўмни ёки ўртача бир шартли молга 819 сўмни ташки қилди. (3.4.4-жадвал). Сигирларни ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш ҳамда насли буқалар уруғи билан таъминланиши деярли тўлиқ амалга оширилди (3.4.5-жадвал). Бу эса соҳани иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлайди.

3.4.3-жадвал Зооветеринария ва сунъий қочириш пунктларини ташкил этиш бўйича 2013 йил 1 январ ҳолатига таҳлилий маълумот

т/р	Худудлар	Зооветеринария пунктлар сони									Сунъий қочириш пунктлар сони								
		01.01.09 й ҳолатига	2013 йилда ташкил этилади							Жами	01.01.13 й ҳолатига мавжуд	2013 йилда ташкил этилади							жамин
			топширик	шундан:				Ҳақиқатда йиллик топшириққа нисбатан фоиз	Топширик			шундан:				Ҳақиқатда йиллик топшириққа нисбатан фоиз			
				1 чоракда	2 чоракда	3 чоракда	4 чоракда					1 чоракда	2 чоракда	3 чоракда	4 чоракда				
1.	Қорақалпоғистон	90	20	4	7	6	3	20	100	110	75	7	3	1	3		7	100	82
2.	Андижон	164	14	3	4	2	5	14	100	178	95	5	1	1	1	2	10	200	105
3.	Бухоро	193	11	2	6	2	1	11	100	204	144	5	2	3			11	220	155
4.	Жиззах	129	5	1	1	1	2	5	100	134	42	5	1	1	1	2	5	100	47
5.	Қашқадарё	249	33	8	11	9	5	33	100	282	47	5	1	2	1	1	5	100	52
6.	Навоий	57	16	2	4	5	5	16	100	73	38	3	1	0	1	1	3	100	41
7.	Наманган	117	13	2	2	3	6	13	100	130	104	3	0	0	1	2	5	167	109
8.	Самарқанд	427	4	0	1	2	1	4	100	431	111	5	0	1	2	2	5	100	116
9.	Сурхондарё	260	5	0	2	1	2	5	100	265	55	5	3	1	1		14	280	69
10.	Сирдарё	62	10	1	2	2	5	10	100	72	32	5	1	0	1	3	13	260	45
11.	Тошкент	182	6	1	1	3	1	6	100	188	60	6	1	2	2	1	6	100	66
12.	Фарғона	191	17	2	7	5	3	17	100	208	68	5		3	2		5	100	73
13.	Хоразм	157	11	5	6			11	100	168	38	5	3	2			5	100	43
Жами:		2278	165	31	54	41	39	165	100	2443	909	64	17	17	16	14	94	147	1003

3.4.4-жадвал Зооветеринария пунктларини томонидан пуллик хизмат кўрсатиш ва уларни жихозлаш тўғрисида 2013 йил 1 январ ҳолатига таҳлилий маълумот

Т/Р	Худудлар	Шартли мол бош сони, минг бош	топшири қ	шундан:				Кўрсатилган пулли хизмат, млн. сўм	%	Ўртача бир шартли молга, сўм	2009 йилда жихозланадиган зооветпунктлар сони	зооветпунктларни жихозлаш учун ажратиладиган маблағ млн.сўм	Шу жумладан				Бир йиллик режа	ҳақиқа тда	%
				I- чорақд а	II- чорақд а	III- чорақд а	IV- чорақд а						1 - чорақ да	2 - чорақ да	3 - чорақд а	4 - чорақд а			
1.	Қорақалпоғис тон	582,5	466,0	116,5	116,5	116,5	116,5	466,7	100	801	20	80,0	16,0	28,0	24,0	12,0	80,0	64	80
2.	Андижон	565,6	452,5	113,1	113,1	113,2	113,1	464,0	103	820	14	56,0	12,0	16,0	8,0	20,0	56,0	67	120
3.	Бухоро	650,0	520,0	130,0	130,0	130,0	130,0	574,9	111	884	11	44,0	8,0	24,0	8,0	4,0	44,0	62,9	143
4.	Жиззах	537,4	429,9	107,5	107,5	107,5	107,5	440,1	102	819	5	20,0	4,0	4,0	4,0	8,0	20,0	21	105
5.	Қашқадарё	967,4	773,9	193,5	193,5	193,5	193,5	782,1	101	808	33	132,0	32,0	44,0	36,0	20,0	132,0	139	105
6.	Навоий	410,0	328,0	82,0	82,0	82,0	82,0	331,6	101	809	16	64,0	8,0	16,0	20,0	20,0	64,0	90	141
7.	Наманган	407,1	325,7	81,4	81,4	81,4	81,4	327,9	101	805	13	52,0	8,0	8,0	12,0	24,0	52,0	52	100
8.	Самарқанд	1035,7	828,6	207,1	207,1	207,1	207,1	834,8	101	806	4	16,0	0,0	4,0	8,0	4,0	16,0	16	100
9.	Сурхондар ё	652,3	521,8	130,5	130,5	130,5	130,5	523,3	100	802	5	20,0	0,0	8,0	4,0	8,0	20,0	56	280
10.	Сирдарё	209,6	167,7	41,9	41,9	41,9	41,9	171,3	102	817	10	40,0	4,0	8,0	8,0	20,0	40,0	26,5	66
11.	Тошкент	515,1	412,1	103,0	103,0	103,0	103,0	437,4	106	849	6	24,0	4,0	4,0	12,0	4,0	24,0	24,3	101
12.	Фарғона	534,7	427,8	106,9	106,9	106,9	106,9	437,9	102	819	17	68,0	8,0	28,0	20,0	12,0	68,0	72	106
13.	Хоразм	580,4	464,3	116,1	116,1	116,1	116,1	469,5	101	809	11	44,0	20,0	24,0	0,0	0,0	44,0	80,9	184
Жами:		7647,8	6118,2	1529,6	1529,6	1529,6	1529,6	6261,5	102	819	165	660,0	124,0	216	164	156	660,0	771,6	117

3.4.5-жадвал Сигирларни ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш ва насли буқа уруғи билан таъминланиши тўғрисида 2013 йил 1 январ ҳолатига таҳлилий маълумот

т/р	Худудлар	01.01.2013 йилга қолдиқ уруғ (доза)	Наслли буқа уруғи олиш учун тузилган шартнома, доза	Ҳақиқатда насли буқа уруғи олинди, доза	Йил давомида сунъий қочирилади- ган сигир ва таналар бош сони	йиллик режа				Ҳақиқатда сунъий урчитилган қорамоллар бош сони	Йиллик топширик- га нисбатан фоиз
						жами	шундан 4-чоракда				
							октябр	ноябр	декабр		
1.	Қорақалпоғистон	1050	86050	68406	67000	16800	5900	5500	5400	67077	100,1
2.	Андижон	3946	80900	79330	80900	20200	7200	6500	6500	81522	100,8
3.	Бухоро	8740	54504	112697	93910	23500	8300	7600	7600	96190	102,4
4.	Жиззах	15450	71040	27235	59200	14800	5300	4800	4700	38167	64,5
5.	Қашқадарё	10000	109100	102865	109100	27300	9700	8800	8800	109248	100,1
6.	Навоий	960	46100	42676	40600	10100	3600	3300	3200	40665	100,2
7.	Наманган	1788	47433	50043	51200	12800	4500	4100	4200	51225	100,0
8.	Самарқанд	2960	200800	156825	156158	39000	13800	12600	12600	156740	100,4
9.	Сурхондарё	12000	96000	82537	82300	20500	7300	6600	6600	82450	100,2
10.	Сирдарё	4240	29000	29042	29042	7200	2600	2300	2300	29289	100,9
11.	Тошкент	6058	39117	75930	73281	18300	6500	5900	5900	76549	104,5
12.	Фарғона	355	103120	80378	79223	19500	6900	6300	6300	79170	99,9
13.	Хоразм	8738	39160	123233	79200	20000	7200	6400	6400	79816	100,8
Жами:		76285	1002324	1031197	1001114	250000	88800	80700	80500	988108	98,7

3.5. Сигирларни селекция белгиларига (экстерер кўрсаткичлари, сут маҳсулдорлиги, сутдорлик коэффиценти, тирик вазни) қараб баҳолаш.

Хориждан келтирилган молларнинг ривожланиш даражаси ва экстерер кўрсаткичларини баҳолашда тана ўлчамларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу ўлчамлар ва улур асосида ҳисоблаб чиқилган тана индекси бўйича моллар танасининг мутонасиб тузилганлигини ҳамда уларнинг маҳсулдорлик йўналишини баҳолаш мумкин.

3.5.1 жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг 1-лактация давридаги тана ўлчамлари келтирилади.

3.5.1-жадвал. Тажриба гуруҳидаги сигирларнинг 1-соғим давридаги тана ўлчамлари, см

Тана ўлчамлари	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X+Sx	CV1%	X+Sx	CV1%	X+Sx	CV1%
Яғрин баландлиги	128.6± 0.41	1.33	126.3 ± 0.51	1.45	125.1± 0.77	1.61
Кўкрак чуқурлиги	67.0 ± 0.44	2.95	65.1 ± 0.66	4.00	63.6 ± 0.65	3.99
Кўкрак эни	44.1 ± 0.45	3.50	42.6 ± 0.53	3.29	41.9 ± 0.46	3.45
Кўкрак айланаси	190.1 ± 1.05	2.60	187.0 ± 1.00	1.95	185.6 ± 1.14	2.05
Тананинг қия узунлиги	145.2 ± 0.43	1.24	142.7 ± 0.70	1.88	141.9 ± 0.61	1.34
Орқа дўнг суяк эни	44.1 ± 0.50	4.71	42.9 ± 0.41	3.08	42.0 ± 0.25	2.95
Пойча айланаси	21.1 ± 0.04	0.98	20.0 ± 0.05	1.00	19.1 ± 0.06	1.01

Қорамолларнинг тана тузилишини баҳолашда тана индекслари муҳим ўрин эгаллайди.

3.5.2-жадвалда сигирларнинг тана индекслари кўрсаткичлари келтирилади.

3.5.2-жадвал сигирларнинг тана индекслари кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Тана индекслари					
	Узун оёқлилик	Чўзилув чанлик	Кўк рак	Зичлик	Тос кўкрак	Суяк дорлик
I	49.1	115.6	66.1	130.1	99.7	15.0
II	49.7	115.1	67.1	131.4	97.6	15.1
III	48.6	115.8	67.3	131.8	100.1	15.1

3.5.2 жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра учунчи гуруҳ моллари яхши ривожланган йирик танага эга бўлдилар, Буни уларнинг узун оёқлилик индексининг паст бўлганлиги ҳам исботлайди.

Биз тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг лактация даври мобойнидаги сут маҳсулдорлигини ўргандик. Олинган натижалар 3.5.3-жадвал маълумотларида келтирилади.

3.5.3 жадвал. Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг лактация даври мобайнидаги сут маҳсулдорлиги.

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$X+Sx$	CV1%	$X+Sx$	CV1%	$X+Sx$	CV1%
Сут миқдори, кг	3854.5 ± 88.1	10.12	3605.1 ± 1065.0	10.51	3420 ± 101.1	9.44
Сут таркибидаги ёғ, %	3.66 ± 1.76	1.66	3.67 ± 0.02	1.89	3.69 ± 0.01	1.71
Сут оқсилли, %	3.31 ± 0.014	1.88	3.33 ± 0.015	1.70	3.33 ± 0.01	1.56
Сут ёғи чиқими, кг	141.1 ± 2.85	10.0	132.3 ± 3.40	9.76	126.9 ± 3.15	7.46
Сут оқсилли чиқими, кг	127.6 ± 2.41	8.88	120.0 ± 3.05	9.65	114.0 ± 2.71	6.65
4 % ли сут миқдори, кг	3526.9 ± 71.1	8.95	3307.7 ± 61.1	9.10	3155.0 ± 6.1	7.73
ЁЦСЦ, %	8.65	-	8.65	-	8.65	-
Қуруқ модда, %	12.10	-	12.12	-	12.13	-

Сутбоп қорамолчиликда сигирларнинг маҳсулдорлик йўналиши ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда сутдорлик коэфффицини, яъни ҳар 100 кг тирик вазнини ҳисобига ишлаб чиқарилган сут миқдорини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. 3.5.4-жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига ишлаб чиқарган сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари келтирилади.

3.5.4-жадвалда сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари, кг

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	1		2		3	
	X+Sx	CV1%	X+Sx	CV1%	X+Sx	CV1%
Тирик вазни, кг	555.8 ± 3.10	1.96	540.7 ± 3.01	2.05	501.7 ± 2.61	2.21
Сутдорлик коэфффици	693.5 ± 18.7	10.08	666.7 ± 19.2	9.88	681.7 ± 20.1	8.77
Ҳар 100 килограмм тирик вазинга ишлаб чиқарилади						
4 % ли сут, кг	634.6 ± 12.9	8.07	611.7 ± 13.3	9.15	628.9 ± 14.1	10.10
Сут ёғи, кг	25.4 ± 0.70	7.99	24.5 ± 0.71	8.18	25.1 ± 0.66	9.12

Демак, юқори тирик вазнига эга бўлган 3-гуруҳ сигирлари 1 ва 2 гуруҳлардагиларга нисбатан ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига юқори даражада сут маҳсулдорлигини ишлаб чиқардилар, бу эса улар маҳсулдорлик йўналиши жихатидан сут ҳилига мансуб эканлигидан далолат беради.

Республикамизга хориждан юқори генетик имкониятига эга бўлган насли молларни олиб келиниши туфайли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги (барча тоифадаги хўжаликлар бўйича) олиб бормоқда (3.5.5-жадвал)

**3.5.5-жадвал Республикамиздаги барча тоифа хўжаликларида сут ишлаб чиқариш
кўрсаткичлари динамикаси (минг тонна)**

Т/Р	Худудлар	Барча тоифадаги хўжалиklar			Фермер хўжалиklar			Дехқон хўжалиklar			Қишлоқ хўжалик корхоналари		
		2012 йил	2013 йил	Ўсиш сурати %	2012 йил	2013 йил	Ўсиш сурати %	2012 йил	2013 йил	Ўсиш сурати %	2012 йил	2013 йил	Ўсиш сурати %
1	Қорақалпоғистон Р.	158744	171255	107,9	8386	9189	109,6	149755	161458	107,8	603	608	100,8
2	Андижон	477983	506479	106,0	7671	9827	128,1	466784	493033	105,6	3528	3619	102,6
3	Бухоро	465513	507286	109,0	15291	18242	119,3	450010	488520	108,6	212	524	247,2
4	Жиззах	290013	314499	108,4	3344	5314	158,9	286358	308788	107,8	311	397	127,7
5	Қашқадарё	575093	616791	107,3	7250	10373	143,1	565150	603755	106,8	2693	2663	98,9
6	Навои	238545	255681	107,2	7818	9004	115,2	228092	243455	106,7	2635	3222	122,3
7	Наманган	336250	359777	107,0	5822	6394	109,8	330181	353088	106,9	247	295	119,4
8	Самарқанд	681759	715832	105,0	21532	22034	102,3	659927	693488	105,1	300	310	103,3
9	Сурхондарё	454630	476157	104,7	10207	12464	122,1	443843	462035	104,1	580	1658	285,9
10	Сирдарё	173396	187523	108,1	4243	5169	121,8	168666	181355	107,5	487	999	205,1
11	Тошкент	497968	531638	106,8	28468	28393	99,7	461224	492488	106,8	8276	10757	130,0
12	Фарғона	509314	540273	106,1	11772	18718	159,0	493551	518204	105,0	3991	3351	84,0
13	Хоразм	567080	595776	105,1	19759	21407	108,3	546630	573785	105,0	691	584	84,5
	Республика	5426288	5778967	106,5	151563	176528	116,5	5250171	5573452	106,2	24554	28987	118,1

3.6. Молларнинг пушtdорлик хусусияtlари

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг пушtdорлик хусусияtlари 3.6.1-жадвалда келтирилади.

3.6.1-жадвал. Сигирларнинг пушtdорлик кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	I-гуруҳ	II-гуруҳ	III-гуруҳ
Бўғозлик даври, кун	282.7± 0.27	282.5± 0.25	282.1± 0.27
Сервис даври, кунлар	74.3± 3.00	75.4± 2.01	76.3± 2.15
Туғишлар оралиғидаги давр, кун	357.0± 166	357.9± 2.45	358.4± 2.81
Сутдан чиққандан тукқангача бўлган давр, кун	64.2± 1.01	65.4± 1.50	66.1± 1.34
1 чи қочиришдаги оталаниш даражаси, %	71.7	72.5	69.4
Қочириш индекиси	1.4	1.4	1.5

3.6.1 жадвал маълумотлари таҳлилига кўра, тажрибадаги сигирларнинг пушtdорлик кўрсаткичлари ўртасида гуруҳлараро кескин фарқ кузатилади.

3.7 Молларнинг иссиқга чидамлилиқ кўрсаткичларини аниқлаш.

Хориждан келтирилган молларни иссиқ иқлим шароитида урчитишда уларнинг иссиқга чидамлилиқ индексини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Юқори иссиқга чидамлилиқ индексига эга бўлган моллар урчитилаётган шароитга яхши даражада мослашган бўлиб, улар маҳсулдорлиги бўйича генетик имкониятни тўлиқ юзага чиқариш хусусиятига эга бўладилар.

3.7.1 жадвалда тажрибадаги сигирларнинг иссиқга чидамлилики индекси келтирилади.

3.7.1 жадвал. Тадқиқотлардаги сигирларнинг иссиқга чидамлилики индекси.

Гуруҳлар	$X + S_x$	$C_{v1} \%$	Simit
I	89.01+0.78	1.90	88.40-90.4
II	89.44+0.47	1.29	88.4-90.4
III	89.69+0.90	2.05	88.4-90.4

3.7.1 жадвал маълумотларига кўра барча тажриба гуруҳларидаги сигирлар юқори даражадаги иссиқга чидамлилики индексига эга бўлдилар. Бу эса хориждан келтирилган моллар бизнинг иссиқ иқлим экологик шароитимизга яхши мослашиш имкониятига эга эканлигидан далолат беради.

Сигирларнинг иссиқга чидамлилики коэффиценти Ю.О.Раушенбах (1975й.) тавсия этган: $ИЧИ-2(0.6t-10dt+26)$ формула бўйича ўрганилади. Бунда ИЧИ- иссиқга чидамлилики индекси; t_2 –Молнинг кундузги ва эрталабки ҳаво ҳарорати, 30^0 С ва ундан юқори бўлгандаги тана ҳароратларнинг фарқи; Dt- кундузги ҳаво ҳарорати.

3.8. Қорамолларни иссиқ иқлим шароитига мослаштириш тадбирлари.

Хориждан келтирилган молларни кўпайтириш учун уларни мослаштириш усуллари билиб олиш муҳим аҳамият касб этади. Республикада Бушуев зот молларни ҳисобга олмаганда, нисбатан оғир иқлим, ем-ҳашак ва биологик шароитга мослашган сермахсул қорамол зотлари камайганлиги учун, шунингдек, кеч етиладиган зебусимон жайдари моллар маҳсулдорлиги паст бўлганлиги учун завод зотидаги ҳайвонларни олиб келиб, мослаштириш масаласи жуда катта аҳамиятга моликдир. Бошқа иқлимдан келтирилган ҳайвонларнинг ҳулқ атворини ҳар томонлама ўргангандан кейингина уларни Республикамиз шароитига мувоффақият

билан иқлимлаштириш, шунингдек, улардан кўнгилдагидек маҳсулот олиш ҳамда жайдари молни яхшилаш учун улардан самарали равишда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонинг кескин континентал, жазирама иссиқ даври узок давом этадиган иқлими четдан олиб келадиган молларни мувофақиятли урчитишни анча қийнлаштириб қўяди, бунинг устига мана шу иқлим шароити яйловларда, молхоналарда қон паразитар касалликларни юктирувчи каналар кўпайишига қулай ҳисобланади. Чунки умумий флора билан фауна типи иқлимга, айниқса ер юзасига тегадиган иссиқлик миқдорига боғлиқ. Ҳайвонлар шароитига иқлим шароити, жумладан совуқ, мўътадил ва иссиқ иқлим шароити энг кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабдан организмнинг бошқа иқлим минтақаси шароитига ёки умуман ўша тур ватани иқлимидан кескин фарқ қиладиган иқлимга мослашиши энг қийин бўлади. Ҳайвонларни иқлимлаштириш янги яшаш жойининг иқлим шароитига ва уларни мослаштириш билангина чекланиб қолмайди. Иқлимдан ташқари, яшаш муҳити, чунончи ҳайвонларни боқиш ва асраш шароити, ернинг рельефи, сув ва қуруқликнинг бир-бирига нисбати, тупроқнинг хусусиятлари, дов-дарахтларининг бор-йўқлиги ва бошқаларнинг катта аҳамияти бор. Очiq жойларда, қирларда яшашга мослашган ҳайвонлар тоғ шароитида, ўрмонли жойларда бир қадар сиқилиб қолади. Нам кўп бўладиган жойларда яшашга ўрганган ҳайвонлар эса қуруқ жой шароитига тезирок мослашавермайди.

Иқлим, молларни боқиш ва асраш шароити, тупроқ, рельеф шароитининг ҳайвонларга кўрсатадиган таъсири кўпинча бирдан ва жуда аниқ намоён бўлавермайди, лекин бу таъсир узок давом этадиган бўлса, унинг жуда кўп томонлари намоён бўлиб боради. Яшаш шароитининг кескин ўзгариши ҳайвонлар учун кўпинча ноқўлай бўлади, шунинг учун уларнинг хўжалик учун фойдали белгилари сусайиб кетади-маҳсулдорлиги, яшаш қобилияти пасаяди, бунинг устига ҳайвонлар тез-тез касалланиб туради.

Ҳозирги биология нуқтаи назаридан олганда, иқлимлаштириш (мослаштириш) организмнинг қайта тузилиши, хўжаликда фойдали бўлган

асосий белгиларини сақлаб қолган ҳолда, янги экологик шароитга яраша яшаш шароитига қўядиган талабларнинг ўзгаришидир. Ҳайвонларни янги иқлим шароитига мувоффақиятли равишда иқлимлаштириш учун қуйдаги шартларга амал қилиш зарур (Н.О.Мавлонов, Э.Н.Мавлонов, 1984 й):

1. Иқлимлаштириш учун четдан келтириладиган ҳайвон турлари ва зотлари ўз биологик хусусиятларига кўра, улар учун янги бўлган жойнинг экологик шароитига кўпроқ мос келадиган бўлиши керак;

2. Иқлимлаштириладиган ҳайвонлар учун уларнинг ирсий табиатига мос келадиган зарур ем-хашак ва бошқа шароитини яратиш лозим. Иссиқ ёз пайтларида ҳайвонлар асосан кўкат озиқ, полиз экинлари, ва илдиз мева ҳамда туганак мевалар билан боқилиши керак.

3. Ёш молларнинг зотининг маҳсулдорлик йўналишини ҳисобга олган ҳолда парвариш қилиш лозим.

4. Ҳайвонларнинг биологик хоссалари, ҳўжаликда фойдали бўлган белгилари ва соғлиги қандай ўзгариб бораётганлигини доимий кузатиб бориш зарур.

5. Анча мослашиб олган ҳайвонларни мақсадга мувофиқ равишда саралаб бориши ва унча мослашмаганларини бракка чиқариб туриш керак. Чунки ҳайвонларни мувоффақият билан иқлимлаштириш ижодий селекциячилик иши билан чамбарчас боғлиқдир.

6. Молларни паразитар қон касалликлари (мол безгаги-пероплазмаз, тейлереоз ва бошқа касалликлар) ни юқтирадиган яйлов канасидан асраш лозим, бунинг учун уларни ҳар 10 кунда бир марта маҳсус перепаратлар аралаштирилган сувда чўмилтириб туриш зарур.

3.9. Хориждан келтирилган молларни озукани маҳсулот билан қоплаш хусусиятларини ўрганиш.

Сут ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда сигирларни озукани сут билан қоплаш хусусиятларини (даражасини) ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

3.9.1 жадвалда тадқиқотлардаги сигирларни озукани сут билан қоплаш даражаси келтирилади.

3.9.1 жадвал. Сигирларни сут ишлаб чиқаришга сарфлаган озукалар миқдори.

Кўрсаткичлар	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
Лактация давомида ўртача ҳар бир бош сигирга сарфланган озуқа бирлиги, кг	3968.5	3742.5	3637.4
Сут миқдори, кг	3854.5	3605.1	3420.1
4 % ли сут миқдори, кг	3526.9	3307.7	3155.0
1 кг табиий ёғлиликда соғиб олинган сутга сарфланган озуқа бирлиги, кг	1.03	1.04	1.06
1 кг 4 % ли сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги, кг	1.12	1.13	1.15
Ҳар 100 кг озуқа бирлигига ишлаб чиқарилади:			
Сут, кг	97.13	96.33	94.02
4 % ли сут, кг	88.87	88.38	86.74

3.9.1 жадвал маълумотларига кўра, сигирларнинг 1 кг сут ишлаб чиқаришига сарфланган озуқаси уларнинг сут маҳсулдорлиги билан боғлиқдир.

3.10. Хориждан келтирилган насли моллардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Тадқиқотлар хориждан келтирилган юқори генетик имкониятларга эга бўлган зотдор моллардан барча тоифадаги хўжаликларда фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини кўрсатди (3.10.1-жадвал).

3.10.1. жадвал хориждан келтирилган моллардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари (ўртача бир бош ҳисобига).

Кўрсаткичлар	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
Сигирларга қилинган жами харажатлар, сўм	6963700.7	6396140.2	6007341.9
Шу жумладан озуқа харажатлари, сўм	4589078.8	4035964.5	3604405.1
Ўртача бир бош молдан олинган жами даромад, сўм	4127860.5	3995090.7	3850860.3
Шу жумладан соғиб олинган базис ёғлиликдаги сутдан келинган даромад, сўм	3083600.4	2884080.2	2736080.1
Соф фойда, сўм	2835840.2	24010049.5	2156481.6
Самарадорлик даражаси, %	168.7	160.1	156.0

3.10.1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича I гуруҳ сигирларидан II ва III гуруҳларидан сигирларга нисбатан лактация даври мобайнидаги жами олинган маҳсулот қиймати тегишли равишда 277000.2 ва 132769.8 сўм, олинган соф фойда 679358.6 ва 434790.7 сўм юқори бўлди. Бу маълумотлар хориждан келтирилган моллар авлоди – 3 гуруҳ молларидан фойдаланиш иқтисодий жihatдан самарали эканлигидан далолат беради.

Амалий таклифлар.

1. Ўзбекистондаги деҳқон ва фермер хўжаликларида урчитилаётган қорамолларни маҳсулдорлик кўрсаткичларини такомиллаштиришда ва пуштдорлик хусусиятларини яхшилашда, ҳамда маҳсулдор подалар яратишда юқори генетик имкониятга эга бўлган хориждан келтирилган зотли моллардан фойдаланиш тавсия этилади.

2. Хориждан келтирилган насли моллар ҳисобига насл негизи ва буқа етиштирувчи гуруҳларни барпо этишда сут маҳсулдорлиги 4000 кг ва ундан юқори сигирларни танлаш, улардан олинган авлодларни мақсадга мувофиқ ўстириб, кўпайтириш тавсия этилади.

3. Хориждан келтирилган насли моллар урчитилаётган барча тоифадаги хўжаликларда генетик имкониятини юзага чиқара оладиган тўла қимматли озиқлантириш шароитларини ташкил этиш тавсия этилади.

4. Хориждан келтирилган юқори маҳсулдор моллар боқиб, парвариш қилинаётган хўжаликларда ҳар бир бош шартли мол ҳисобига бир йил давомида 50-60 Ц озуқа бирлигида озуқа билан таъминлашни ташкил этиш тавсия этилади.

5. Хориждан келтирилган насли қорамоллар Ўзбекистон иссиқ иқлим шароитига мослашиши шарт шароит яратилган ҳолда хўжаликни иқтисодий барқарор ривожлантириш мақсадида улардан кўпроқ фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 23-мартда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-308-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 21-апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842-сонли қарори.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/ И.А. Каримов.-Т: 2009 йил.
4. Мавлонов.Н.О, Мавланов.Э.Н “Қорамолчилик”. Тошкент 1984 й
5. Гостев.В.С “Фагациты, комплемент и свертывание крови при недостатке белка в пище” 1950 й.
6. Ҳофизов. И.И “Турли генотипли қизил чўл зотли қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва пушtdорлик хусусиятларининг табиий чидамлилигига боғлиқлилиги” 2004 й
8. Барабанников.Н.В, Контрол.Н.В “Качества молоко на ферме” 1986 г
9. Арзумиян.Е.А “Скатаводства” 1957 й
10. Касулов.И.М, Кадиев.И.М “Особенности коров красностепеной и черно-пёстрый пород в Дагестане” 2000 й
11. У.Н.Носиров. “Қорамолчилик” Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашириёти, 2004 й.
12. У.Н.Носиров. Ғ.У.Носиров. Т.У.Носиров. “Чорвачиликда классик ва замонавий селекция усуллари” Тошкент, 2008 й.
13. А.С.Веляких. “Саноат асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш”, Тошкент, “Ўқитувчи” 1983 й.

14. Т.Х.Икромов. “Қорамолчилик” кўп ва сифатли сут етиштиришнинг муҳим омиллари. Тошкент 1995 й.
15. Ш.Акбархўжаев, С.Исломхўжаев. “Сут ва гўшт етиштириш технологияси” Тошкент, “Меҳнат” 1988 й.
16. Акмалханов.Ш.А. и другие. “Физиолого-биохимические особенности молочного скота к промышленной технологии в условиях Средний Азии”. Бюл. ВНИИ физиологии и биохимии питания животных. Боровск, 1986 Г, вып 83
17. А.Авезов. «Қорамолларнинг наслдорлигини баҳолаш усуллари». Журнал “Зооветеринария”, 2008 й, №5.
18. Алиев.Р.Г, Алипанахов.А.Б. «Особенности коров красной степной породы и ее помесей». Жур. «Зоотехния», М, 2005, №2.
19. Амерханов.Х. «Производство говядины состояния тенденции и перспективы развития» Ж. «Молочной и мясное скотоводства», М, 2004, №3.
20. Боротников.А.М, Деряженцов.В.И, Епишина.Т.М. «Технологическая оценка параметров содержания быков- производителей на племпредприятиях». Ж. «Зоотехния», М, 2008 Г, №7.
21. Димов.В, Ефимова.Л. «Молочная продуктивность коров в хозяйствах Красноярского края». Ж. «Молочное и мясное скотоводство», М. 2005 г. №3.
22. Касумов.И.М, Кадиев.И.М «Особенности коров красной степной и черно-пестрой породы в Дагестане». Ж. «Зоотехния». М. 2000, №6.
23. Карликов.Д.В, Петляков.А.Т, Казарбин.Д.Р. «Улучшение черно-пестрого скота подмосковья». Ж. «Зоотехния», М, 1988, ;3.
24. И.Максудов, С.Жуманов. «Қорамолларни сунъий уруғлантириш-самарадорлик манбаи». «Ўзбекистон кишлок хужалиги журналининг «Агро илм» илмий иловаси». Тошкент 2007 й. №4-сон.
25. Солдатов. А.П. « Крупномасштабная селекция и перспективы размещения пород крупного рогата скота в России». Сб. «Повышении генетического потенциала молочного скота», М, Агропромиздат, 1986 г.

26. Хафизов И.И ва бошқалар. “Қорамолчиликда наслчилик ишларини такомиллаштиришнинг замонавий усули” Зооветеринария Ж. 2008 №6.
27. Эрнес.Л.К, Григорьев Ю.Н «Совершенствование животных в хозяйствах крупных регионов». Сб. Создания новых пород селескохозаъйственных животных. М. Агропромиздат, 1987 г.
28. К.Мадаминов «Чорвадорнинг ён дафтари». Тошкент. «Мехнат», 1988 й.
29. А.М.Мустафаев. «План племенной работы с бушувской породой скота». Тошкент «Мехнат», 1989 й.
30. Абдалниёзов.Б, Худаёров.Р. «Голштин қизил-ола билан қизил чўл зотлари дурагайлариинг маҳсулдорлиги». “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” Ж. “Агро илм” илмий иловаси. Тошкент, 2007 й.
31. Погребняк.В.Влияние живой массы на молочную продуктивность коров. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», 1999 г. №2.
32. Стрекозов.Н.И, Левина Г.Н. «Индивидуальный подбор с учетом типа животных и селекции быков». Ж. «Зоотехния», 2001 г, №1.
33. Гостев.В.С. «Фагациты, комплемент и свертывание крови при недостатке белка в пище». 1950 г.
34. Хафизов.И.И. «Турли генотипли қизил чўл зотли қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва пуштдорлик хусусиятларининг табиий чидамлилигига боғлиқлиги». Тошкент 2004 й.
35. Арзумян.Е.А. “Скотоводства” 1957 г.
- Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**
36. Ўзбекистон ҳудудлари бўйича статистик тўплам, 2009.-Т: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, 2009.
37. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотлари.
38. www.das/psu/edu/reproduction/check/pdf/terminal
39. www.cattle-breeding.com
40. www.wcorridor.com/BusinessMatching/Cattle
41. www.newsentrallasia.com/modules.php

